

Pearson BTEC Ўзбекистон 5-даража

# Инсон ресурсларини бошқариш

соҳаси бўйича

Ўқитувчи Ресурслари

Ўқув-услубий материал

2-нашр



## **Edexcel, BTEC va LCCI малакалари**

Edexcel, BTEC va LCCI малакалари бутун дунёда тажрибадан ўтган ва тан олинган, академик ва касбий малака тақдим этадиган малака бериш бўйича Буюк Британияда энг йирик ташкилот ҳисобланадиган Pearson томонидан берилади. Қўшимча маълумот олиш учун [qualifications.pearson.com](http://qualifications.pearson.com) сайтимизга ташриф буюринг. Бундан ташқари, сиз [qualifications.pearson.com/contactus](http://qualifications.pearson.com/contactus) саҳифасида биз билан боғланиш учун берилган тўлиқ маълумотлардан фойланган ҳолда ҳам боғланишингиз мумкин.

## **Pearson ҳақида**

Pearson – 70 дан ортиқ давлатда 35 000 дан зиёд ходимга эга бўлган, ўқитиш орқали инсонларнинг ҳаётида сезиларли ўсишга эришишни таъминлаш мақсадида барча ёшдаги одамларга ёрдам кўрсатиш устида ғайрат билан ишлаётган дунёдаги лидер ўқитиш берувчи компания. Уқувчилар компания манфаатларининг ва унга йўналтирилган ҳаракатларнинг маркази ҳисобланади, чунки ўқитиш тизимининг ривожланиши умуман инсонларга ижобий таъсир этади. Биз сизга ва ўқувчиларингизга қандай ёрдам беришимиз мумкинлиги тўғрисида [qualification.pearson.com](http://qualification.pearson.com). сайти орқали кўпроқ билиб олишингиз мумкин.

*Ушбу матнда келтирилган ташқи материалларга ҳаволалар ишончли ҳисобланади. Pearson ўзгартириш мумкин бўлган материалларнинг мазмуни ёки ҳар қандай билдирилган фикрларни маъқулламайди, тасдиқламайди ва жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. (Материал дарсликлар, журналлар, бошқа нашрлар ва веб-саҳифаларни ўз ичига олиши мумкин).*

*Мазкур ҳужжатдаги барча маълумот нашр этиш вақтига ҳақиқий ҳисобланади.*

ISBN 978 1 446 96543 6

Ушбу нашрдаги барча материаллар

© Pearson Education Limited 2020 нинг мулки ҳисобланади

# Мундарижа

<b>Кириш</b>	<b>1</b>
<b>1-модул: Самарали инсон ресурсларининг ўрни</b>	<b>3</b>
Ўқув қўлланма	3
Иш схемаси	15
Дарс режаси	35
Мустақил топшириқнинг қисқача йўриқномаси	75
<b>2-модул: Инсон ресурслари стратегияси ва бошқаруви</b>	<b>81</b>
Ўқув қўлланма	81
Иш схемаси	95
Дарс режаси	115
Мустақил топшириқ қисқача йўриқномаси	155
<b>3-модул: Инсон ресурсларини самарли бошқариш</b>	<b>159</b>
Ўқув қўлланма	159
Иш схемаси	175
Дарс режаси	197
Мустақил топшириқнинг қисқача йўриқномаси	239
<b>4-модул: Инсон ресурслари ва кадрларга оид режалаштириш</b>	<b>245</b>
Ўқув қўлланма	245
Иш схемаси	253
Дарс режаси	273
1-мустақил топшириқ қисқача йўриқномаси	311
2-мустақил топшириқ қисқача йўриқномаси	314
3-Мустақил топшириқ қисқача йўриқномаси	317
<b>5-модул: Жамоалар ва шахсларни ривожлантириш</b>	<b>319</b>
Ўқув қўлланма	319
Иш схемаси	327
Дарс режаси	349
1-мустақил топшириқ қисқача йўриқномаси	389
2-мустақил топшириқ қисқача йўриқномаси	391
<b>6-модул: Ташкилотда ходимлараро муносабатлар</b>	<b>395</b>
Ўқув қўлланма	395
Иш схемаси	403
Дарс режаси	423
Мустақил топшириқ қисқача йўриқномаси	461



## Кириш

Мазкур амалий қўлланма Pearson ВТЕС 5-даража Инсон ресурсларини бошқариш соҳаси бўйича Профессional Диплом спецификациясига қўшимча ҳисобланади. Спецификация сизга нима ўрганилиши ва нима баҳоланиши кераклигини кўрсатиб беради. Мазкур амалий қўлланма сизга буни қандай бажаришингиз тўғрисидаги таклиф ва ғояларни тақдим этади.

Ушбу қўлланма сизга таълим бериш ва ўқув учун ғояларни, жумладан амалий тадбирларни, реал сценарийларни, иш берувчиларни мустақил ўқувни тақдим этиш ва бошқаришга жалб этишни ҳамда тестларга тайёргарлик усулларини таклиф этади. Шунингдек, қўлланма сизга спецификацияга оид бўлган маълумотларни амалда қандай ишлаши мумкинлигини кўрсатади ва сизни малакангиз турли усулларда қандай иш бериши ҳақида ўйлашга ундайди.

Мазкур амалий қўлланма сизга қуйидагиларни тақдим этади:

- малакавий модулларни тақдим этиш учун йўриқнома;
- малакавий модуллар устида ишлаш учун тавсия этилувчи ресурслар;
- барча малакаларни модуллардаги қамраб олинадиган мавзулар, тадбирлар ва баҳолашларни кўрсатувчи иш схемаси;
- модуллардаги маълумотларни қандай тақдим этиш тўғрисидаги батафсил йўриқномани ўз ичига оладиган дарс режалари;
- малакадаги барча модулларда баҳолашни ўтказишни қўллаб-қувватлаш учун Мустақил топшириқнинг қисқача йўриқномасилар.

Ушбу амалий қўлланмадаги маълумот малакалар бўйича материалларни яратиш билан боғлиқ бўлган ўқитувчилар томонидан тўпланган, шунинг учун улар ВТЕС малакаларининг янги ва жалб этувчи усулларини излашнинг муаммоларини тушунадилар.

Мазкур қўлланмадаги ўқув бўйича йўриқнома сизга малакани тақдим этишни режалаштирганингизда эътиборга олиниши лозим бўлган маълумотни беради. Унда қуйидагилар ҳақида маълумотлар берилган:

- малакангизнинг тузилмаси;
- ўқувчиларингиз учун малакани қандай белгилаб беришингиз мумкинлиги;
- тегишли иш берувчилар билан қандай боғланишингиз ҳақидаги таклиф;
- бошқа қўллаб-қувватлаш ва имконли ресурслар тўғрисида маълумот.

Биз сизга якка тартибдаги қўлланмани тақдим этдик. У ўқитиш мақсадларига ва модул таркибига қандай ёндашиш кераклиги ҳамда дарсларни қизиқарли ва турли хил ғоялар ҳақида таклифларни ўз ичига олади. Сиз шунингдек, ўз вазифаларингизни қандай режалаштириш ва бажариш ҳақида маслаҳатлар ва ғояларни топасиз.

Биз ҳар бир модул учун рўйхатга синчковлик билан танлаб олинган ресурсларни киритдик. Ресурслар рўйхати ўқувчиларингизга тавсия беришингиз мумкин бўлган ва/ ёки ўқитишда қўшимча сифатида қўллашингиз мумкин бўлган китоблар, веб-сайтлар ва видеороликларни ўз ичига олади.

# 1-модул: Самарали инсон ресурсларининг ўрни

---

## Ўқув қўлланма

Ушбу модул ўқувчиларга HR роли ва функцияси ҳамда HRда юзага келадиган ўзгаришлар бўйича алоқани ўрнатиш имкониятини беради. Бу ўқувчиларга инсон ресурслари тушунчасини нафақат Ўзбекистонда, балки бутун жаҳонда ташкилот муваффақиятининг асосий омили сифатида намойиш этишларига имкон беради. Ушбу модулни муваффақиятли яқунлаганларидан сўнг, ўқувчилар HRM ролини яхшироқ тушунадилар ва қадрлайдилар, бу эса ўз фаолияти ёрдамида қўшимча қиймат қўшиш орқали ташкилотнинг муваффақиятига ҳисса қўшади. Ўқувчилар замонавий контекстда HR-функциясининг асосий мақсад ва вазифаларини тушунадилар, бу уларга ташкилотнинг HR-бўлимига самарали ҳисса қўшиш имконини беради.

### Модул билан танишиш

Назария асосида қурилган ушбу модул, ўқувчиларга бизнесда муваффақиятга эришиш учун одамлар ва ташкилотларнинг ривожланишида HR-функциясининг аҳамиятини ўрганиш имкониятини беради. Ўқувчиларни турли муассасаларнинг ташкилий тузилма, стратегия ва ўзгаришлар ёрдамида қандай ривожланаётганлигини тадқиқ этиш ва ўрганишга рағбатлантириш лозим.

Гуруҳлардаги муҳокамалар фойдали бошланиши мумкин, бироқ ўқитувчилар баъзи бир расмиятчиликлар талаб этилиши мумкинлигини билишлари лозим. Бошқа модуллар эса маҳаллий корхоналарга ташриф буюриш билан бирга фойдали бўлиши мумкин, у ерда ўқувчилар тегишли саволларни бериб, самарали HRMни тадқиқ этишни бошлашлари мумкин. Ўқитувчилар ўқувчиларга асосий диққат турли ташкилотларнинг ходимларни бошқаришни самарали усуллари ва бизнес-муҳитнинг тегишли диапозонига қаратилган мос саволлар тўпламини ишлаб чиқишларида ёрдам беришлари лозим. Гуруҳлардаги амалга ошириш бўйича муҳокамалар, ўқувчилар учун фойдали имкониятларни аниқлашда ёрдам беради.

Ўқувчиларингизга мазкур модул доирасида яратилган билим ва кўникмалар базасини тушунишлари ва қўллаб-қувватлашлари учун асосий мавзулар бўйича бутун бир маълумотлар манбаига кириш имконияти керак бўлади. Баъзи ўқувчилар иш ёки норасмий тажрибага эга бўлишлари ва баҳам кўришлари мумкин бўлган касбий амалиёт ҳақида бўлишилари муҳим.

Сиз ушбу модулда қуйидаги турли хил ўрганиш усулларидан фойдаланишингиз мумкин:

- муҳокамалар – синфда ёки кичик гуруҳларда – мустақам ишни тақдим этиш учун ташкилий режалаштиришнинг муҳимлиги ҳақида;
- мустақил ёки гуруҳ тақдимотлари – мотивацияланган, билимдон ва тажрибали одамлар ва жамоаларни ривожлантириш заруриятини қоплайди;
- муваффақиятли мослашувчан ташкилотларни акс эттирувчи амалий мисолларни ўрганиш;
- ташкилотларнинг инсон ресурслари соҳасида замонавий муаммоларни қандай ҳал қилганликларини кўрсатиб берувчи видеоклиплар.

Гуруҳларда ишлаш, ўрганишнинг мақбул шакли ҳисобланади, лекин сиз ҳар бир ўқувчи баҳолаш учун етарли деталларни ўз ичига олган шахсий аргументларини келтираётганликларига ишонч ҳосил қилишингиз лозим. Сиз маҳаллий иш берувчиларни қуйидагилар сифатида таклиф этган ҳолда ушбу модулни ўрганишга жалб этишингиз мумкин:

- таклиф этилган спикерлар;
- ўқувчилар тақдимоти учун аудитория аъзолари, бу ерда улар қайта алоқадан фойдаланишлари мумкин;
- ўқувчиларнинг иш тажрибаси учун йўл бошловчилар ва аниқ амалий мисолларда ва тақлид қилишга намуналарда ўқув учун асос сифатида бизнес-материаллар етказиб берувчилар;
- ўқувчилар учун устозлар;
- ўқувчиларга ходимлар билан самарали ишлаш тажрибасини олишлари учун у ёки бу объектларга ташриф буюриш имкониятини тақдим этадиган иш берувчи.



### **Иш берувчининг иштироки**

Ўқитувчиларга самарали HR-функцияларига эга бўлган давлат ва хусусий сектор ташкилотларидан спикерларни, уларнинг бизнесида самарали HRнинг муҳимлиги ҳақида сўзлаб беришлари учун таклиф этиш тавсия этилади. Агар маҳаллий ёки ҳудудий ташкилотлар билан алоқа ўрнатилса, улар ўзларининг бизнесида қўлланиладиган ва конфиденциал ҳисобланмаган сиёсат, тартиб-қоидалар ва ҳужжатларнинг намуналарини тақдим этишга тайёр бўлишлари мумкин.

Марказлар маҳаллий, хусусий секторлар ва давлат бошқаруви корхоналари билан алоқани ривожлантиришлари лозим, чунки улар кўп ҳолларда иш жойларини, ташрифларни, компаниялар ва маҳаллий бизнес-муҳит ҳақида маълумотларни, шунингдек, таклиф этиладиган спикерларни тақдим этишлари лозим.

### **Ўқитиш мақсадларига эришиш**

А ўқитиш мақсади учун ўқувчининг ташкилий режалаштириш концепциясини, ташкилотнинг стратегик йўналишини ва инсон ресурсларини ўз ичига олган ҳолда, самарали бизнес ҳамда иш функцияларининг тузилмавий элементларини хабардор этиш учун қўлланиладиган жараён сифатида тушуниши муҳим. Ўқувчиларни танлаган ташкилотлари бўйича ўрганишлари ва тадқиқот олиб боришларини рағбатлантириш (илҳомлантириш) лозим. Ташкилотлар ўқувчиларнинг ўзлари учун иш берувчилар ёки уларга таниш ва мос ташкилот бўлиши мумкин. Ўқувчилар одамлар, ташкилий стратегия ёки ташкилий тузилмага кириш имкониятига эга бўлиши ва муваффақиятли ташкилий режалаштиришга таалуқли амалий мисолларни ўрганиши муҳим, бу уларга HR-функциясининг ташкилотни режалаштиришга қандай ҳисса қўшаётганини тушунишга имкон беради.

Ўқувчилар ташкилий режалаштириш – мустаҳкам натижаларга эришиш жараёнининг қисми ҳисобланишини тушунишлари лозим. Ўқувчиларга амалий мисолларни ёки мос ташкилотларнинг намунадаги каби кўрсатилган видеофилмларни, уларнинг хусусиятларини, мавжуд одамлар, жараёнлар ва маданиятига нисбатан қандай хатти-ҳаракатда бўлишини ўрганиш имконияти тақдим этилиши мумкин. Ўқувчини ташкилий лойиҳалаштиришнинг турли хил назариялари ва моделларига мустақил ўрганиши учун рағбатлантириш шарт, у эса ушбу назария ва моделларнинг афзалликлари ва камчиликлари, уларнинг ташкилотда қўлланилиши ҳамда мустаҳкам натижаларга эришиш учун салоҳиятини муҳокама қилишни билиши лозим.

В ўқитиш мақсадига келсак, ўқитувчилар мотивацияланган, билимдон, тажрибали одамлар ва гуруҳларни ривожлантириш муҳимлигини, шунингдек, ташкилотнинг ходимларини ресурс ёки инсон капитали сифатида кўриб чиқиши ҳақида тақдимот ўтказишлари мумкин. Ўқувчиларни мотивациялаш ва мотивацион назарияни мустақил тадқиқ этишларини рағбатлантириш лозим. Ўқувчи жамоа ва алоҳида шахсларнинг мотивациялаш, яқка тартибда, жамоавий ва ташкилий самарадорлигини ошириш мақсадида ахлоқни шакллантириш ва мустаҳкамлашда етакчиларга ёрдам бериш имконияти ҳақида тасаввур ҳосил қилиши лозим. Ўқувчилар алоҳида шахс ва жамоалар, шунингдек, мотивацияланган ходимлар билан ташкилотнинг ўз мақсадларига эришган муваффақиятига таъсир кўрсатиш учун мотивация ва инсон капитали мавзуси бўйича ақлий ҳужум ўтказишлари мумкин. Инсон капитали назариясининг афзаллик ва камчиликлари ҳақида кейинги тадқиқотлар, ўқувчиларга ходимларни ривожлантириш бўйича фикр ва ёндашувлар ишлаб чиқиш ҳамда ташкилотнинг мотивацияланган ходимлари ва уларнинг билимларини рақобат инструменти сифатида қандай қўлланиш мумкинлигини тақдим этишлари мақсадга мувофиқдир.

Ўқувчилар ташкилотда ходимларнинг билимларини бошқариш зарур эканлигига диққатларини қаратишлари муҳим. Ўқувчилар ўзларининг ташкилотларидан ёки ўзлари учун танланган ташкилотлардан фойдаланиб, билимларни бошқариш концепциясини ва билимларни бошқариш натижасида ташкилотларга олиб келаётган афзалликларини таҳлил қилишлари лозим. Гуруҳлардаги муҳокамалар ўқувчиларга HR-ўқув функцияси ташкилотда билимларни бошқариш ва ривожлантириш тажрибаси билан бўлишиш ва бу қандай йул орқали яратилишини тақдим этиши мумкин. Муайян иш лавозимлари учун талаб қилинган билимларни таҳлил қилиш амалий машғулотида инсон капитали ташкилий мақсад ва вазифаларга эришиш учун нақадар муҳим даражага эга эканлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилишга имкон беради.

С ўқитиш мақсади учун ўқувчилар HR соҳасида юзага келадиган ўзгаришлар ҳақида тасаввурга эга бўлишлари учун муҳим тадқиқотлар ўтказадилар. Ўқувчиларни инсон ресурслари соҳасида сўнги ютуқларни аниқлаш учун замонавий билимлар ва тадқиқот кўникмаларини қўллашларини рағбатлантириш ҳамда келгуси йўналишларни аниқлаш учун юзага келаётган ҳодисаларни ўрганиш муҳим. Ўқувчилар, ишчи кучининг ахлоқи ва маданияти, ходимлар билан ишлаш усуллари ва кўникмаларга бўлган талабларга таъсир кўрсатган, ходимларни бошқариш функцияси технологик ютуқларни инобатга олган ҳолда қандай ривожланишини ҳисобга олишлари лозим. Ўқувчилар шунингдек, истеъдодларни ёллаш, ушлаб қолиш ва иштиёқлантириш ҳамда ташкилотларда ўзаро муносабатлар ва глобаллашув таъсирида

маданиятлараро пайдо бўлаётган ўзгаришларни кўриб чиқишлари муҳим.

Ўқувчилар HR-функцияларида замонавий муаммолар ва HR-амалиётида ва ходимларга ташкилий эҳтиёжларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ташқи омилларни тўлиқ таҳлил қиладилар. Ўқувчиларни сиёсий, экологик, ижтимоий, технологик, ҳуқуқий ва иқтисодий муаммолар, шунингдек, юзага келадиган тенденцияларга таъсир кўрсатувчи асосий омиллар ва хатарларни бошқариш учун ушбу маълумотлардан фойдаланиш усулларини аниқлашда **PESTLE** таҳлилини ўтказишга рағбатлантириш лозим.

Ўқувчиларни тенденция, муаммо ва бўлғуси HR-функциялари учун жамланадиган оқибатларни, ўз тадқиқотларининг натижаларини тақдим этишга рағбатлантириш лозим. Ўқувчиларнинг тадқиқотлари, ходимларни бошқариш соҳасидаги бўлғуси ўзгаришлар ҳақидаги мақолалар ва аниқланган тенденциялар асосида инсон капиталини бошқариш функцияларининг ўзгариши билан мустаҳкамланиши мумкин.

A ва D ўқитиш мақсадлари биргаликда амалга оширилиши тавсия этилади, чунки улар ташкилий режалаштириш хатти-ҳаракатлари давомида қабул қилинган стратегик қарорлар билан боғлиқ ташкилий режалаштиришдан ташкилотдаги ўзгаришларни бошқаришга ўтадилар. Ўқувчилар шунингдек, HR-функцияларни ривожлантиришда ҳамда таклиф этилаётган ишланмалар асосида ўзгартиришлар учун потенциаллар бўйича тавсияларни аниқлашда ва ишлаб чиқишда C ўқитиш мақсади асосида ўрганишлари лозим.

D ўқитиш мақсади учун ўқувчилар ташкилий режалаштириш ва ўзгаришларни бошқариш орасидаги ўзаро алоқани тушунишлари муҳим. Ўқитувчининг тақдимотлари ташкилотдаги турли хил ўзгаришлар ва муассасанинг ташкилий ўзгаришларга қандай мослашиши ҳақида қимматли маълумотни тақдим этади. Ўқувчилар, ўз тадқиқотларини асослаш учун, ташкилий режалаштириш муносабатларини ва алоқасини ҳамда уларни кейинги ўзгаришларда қандай бошқариш кераклиги бўйича, шунингдек, ҳозирги вақтда ўзгариш жараёнини бошидан ўтказаётган ташкилотларни таҳлил қилиш учун амалий мисолларни ўрганишга ва танланган ташкилотларга мурожаат этишлари лозим.

Ўқувчиларни турли назария ва назариётчиларни ва ушбу назарияларнинг афзалликлари ва уларнинг ташкилий режалаштириш натижасида ўзгаришларни амалга оширишда қандай қўлланилиши мумкинлиги ҳақида мустақил ўрганишларига рағбатлантириш мақсадга мувофиқдир. Ўқувчилар ақлий ҳужум усули орқали ўзгаришларни бошқариш, вазиятларини ҳамда турли хил бизнес-сценарийларини ва ўзгаришлар йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш усуллари ёрдамида

турли хил ташаббуслар, вақтида одамларни мотивация қилиш усули ва ёндашувлари бўйича ечимлар ишлаб чиқилиши мумкин.

Ўқувчилар HR ўрни ва ўзгаришларни бошқаришга ёндашувлар ҳамда HR-функцияларининг ташкилотдаги ўзгаришларни қандай қўллаб-қувватлашларини тушунишлари муҳим.

### **Баҳолаш бўйича қўлланма**

Ушбу модул иккита вазифани ўз ичига олган бўлиб, иш орқали ичкаридан баҳоланади. Биринчиси А, В ва D ўқитиш мақсадларини қамраб олади ва ҳисоботдан ташкил топган. Иккинчиси D ўқитиш мақсадини қамраб олади ва тақдимотлардан ташкил топган.

Ёзма ҳисобот учун ўқувчилар қуйидагиларни амалга оширувчи матн тайёрлайдилар:

- танланган ташкилот ва унинг тузилмаси ҳақида таништирадиган;
- ташкилий режалаштириш концепциясини ва унинг танланган ташкилот тузилмаси билан қандай боғлиқ эканлигини тадқиқ этадиган;
- ташкилот ўзининг режалаштирилишида HR-функцияси қанақа ҳисса қўшаётганлиги ва қандай кафолат бера олиши мумкинлиги ҳақида иккита ёндашувни тадқиқ этадиган;
- HR соҳасида янги ишланмаларни ва иш жойида танланган ёндашувларнинг ташқи ва ички муҳитнинг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи HR-амалиётини қандай қўлланилишини таҳлил қиладиган.

Ўқувчилар ёрдамчи слайдлар билан оғзаки тақдимотни тайёрлайдилар, уларда:

- ўзгаришларни бошқариш назарияси ҳамда ўз ичига олган ўзгаришларни бошқариш моделлари ҳақида маълумотлар тақдим этилади;
- ўзгаришларни бошқариш ва ташкилий режалаштиришда HRнинг ўрни муҳокама қилинади;
- ташкилий режалаштиришнинг ташкилотда таклиф этилган ўзгаришларга қандай таъсир қилиши ва мослашиши лозимлиги баҳоланади;
- HR ўзгаришларни қандай олға суриши ва уларни самарали амалга ошириши ҳақида тавсиялар ҳам мавжуд бўлиши лозим.

Ўқувчиларни тадқиқотларга асосли далиллар келтиришларига ва PESTLE каби амалий машқлар бажаришларига рағбатлантириш зарур.

Барча ўқувчилар шахсий амалиётида ҳақиқийлиги тасдиқланган мустақил асосларини тайёрлашлари лозим.

## Модулнинг бошланиши

Сизга модулни битта усулини ўрганиш учун бошланғич нуқта берилади.

### 1-модул: Самарали инсон ресурсларининг ўрни

#### Кириш

- Ушбу модулга кириш учун тармоқ ва бериладиган кўникмалар, билим ва ахлоқлар ҳақида, шунингдек, ушбу модулнинг ютуқлари инсон ресурсларини бошқариш орқали, уларни карьерага қандай олиб келиши мумкинлиги баён этилиши лозим. Ўқувчиларга, модул мундарижасида келтирилган мавзулар, ушбу модулни ўрганиш учун асосий имкониятлари берилган ва йўналтирилган бўлиши лозим.
- Ўқувчилар, баҳолашдан олдин, ушбу машқларни ишонч билан бажаришлари учун, ўзларида зарур ахлоқ, кўникма ва билимларни ривожлантиришлари лозим.
- Ўқувчилар чуқур билимга эга бўлишлари, модулнинг ҳар бир мавзусини, шунингдек, ўз билимларининг ташкилотда қандай қўлланилиши мумкинлигини тушунаётганликларини кафолатлаш учун, ўқитиш мақсадларидаги талаб этиладиган машқлар ўқитиш ва ривожлантиришни зарур бўлган кўникмалар учун етарли вақт ажратилиши зарур.
- Ўқувчиларга ушбу модул давомида амалий мисолларни ўрганиш имкониятини яратиш учун ташкилотни танлашларини рағбатлантириш лозим. Ташкилот, истеъдод ва кўникмалари бор ходимларни излашда рақобатбардошликни сақлаб қолиши мақсадида, инсон капитали буйича ташкилий режалаштиришдаги танланган хатти-ҳаракатларларга асосланган ҳолда бошқариш соҳасидаги ўзгаришларни киритиши ва бўлғуси ишланмаларни кўриб чиқиши лозим.

**А ўқитиш мақсади – Муайян иш жойини таъминлаш учун ташкилий режалаштиришнинг муҳимлигини тушуниш**

- Ташкилий режалаштириш (ТР) мавзусини киритишдан бошланг ва ўқувчиларнинг тадқиқотлари асосланган ташкилотни танлашга рағбатлантиринг.
- Ўқувчилар ташкилотда ТР концепцияси ва жараёнларининг ҳамда унинг мустақкам натижавийлигини таъминлашда ўйнайдиган ролининг мустақил тадқиқини ўтказишлари лозим.
- Ўқувчиларга ТРни қўллаб-қувватлаш учун HRдан муваффақиятли фойдаланган турли хил ташкилотларни бир қатор мисолларини тақдим этишлари мумкин. Ўқувчилар ушбу ташкилотларнинг ўзига хослиги ва хусусиятлари ҳамда ТРга таъсир кўрсатувчи омилларни ўрганиш учун жуфтликларда ишлашлари мақсадга мувофиқдир.
- Ўқувчилар ТРнинг асосий жиҳатлари ва элементларини ўрганишлари учун муҳокама ва ақлий ҳужум усулини қўллашлари мумкин.
- Давлат ва хусусий ташкилотлардан таклиф этилган спикерлар ўқувчиларга ТРга ёндашувлар ва ТР масалаларида самарадорликни таъминлаш учун ташкилотлар нима қилаётганликлари ҳақида муҳим маълумотларни тақдим этадилар. Ўқувчилар ТР бўйича иш фаолияти натижалари асосида ўз бизнес-моделларини ўзгартирган ташкилотлардан таклиф этилган спикерлардан тажриба оладилар. Таклиф этилган спикерлар мавзуга мос бўлган мисоллар ва уларнинг афзалликларини, шунингдек ушбу ташкилот ва унинг ходимларига кўрсатаётган таъсирини келтиришлари мумкин.
- Ўқувчилар ТРга ёндашувлардаги фарқларни ўрганиш ва уларнинг афзалликларини муҳокама қилиш учун кичик гуруҳларда ишлашлари тавсия этилади.

**В ўқитиш мақсади – Иштиёқли, билимли ва малакали инсонлар ва жамоалар ривожланишига қўйилган талабларни тушуниш**

- Мотивацияланган, билимдон ва тажрибали одамлар ҳамда жамоаларни ривожлантириш учун талаблар мавзусини тақдим этинг. Ўқувчилардан ходимлар, иш берувчилар ва мижозларга олиб келадиган афзалликларнинг аҳамиятини муҳокама қилишларини таклиф қилинг.
- Ўқувчилар концепциянинг, мотивацияланган ходимларнинг аҳамияти ва афзалликларини қўллаб-қувватловчи ва мустақкамловчи, мотивациянинг афзалликлари ва тегишли назарияларининг мустақил тадқиқини ўтказишлари мумкин.
- Одамларнинг мотивациясини қандай уйғотиш учун усул ва ёндашувларнинг муҳоқамасини ўтказинг ҳамда ўқувчилардан ушбу усулларнинг афзалликлари ва камчиликларини муҳокама қилишларини илтимос қилинг.

- Ўқувчиларга мотивациянинг алоҳида шахс, жамоа ва ташкилотга таъсири ҳақида видеороликлар ва мақолалар, мотивацияланган ходимларга эга ташкилотнинг афзалликларини тушунишларига имкон беради.
- Инсон капитали мавзусида ходимларга бўлган талабларни тушуниш аҳамияти нақадар баланд эканлиги ҳақида муҳокама ўтказинг.
- Жуфтликларда ёки кичик гуруҳларда билимларни бошқариш ва ташкилотларнинг билимларини бошқарган ҳолда, таълим берувчи ташкилотни қандай яратиши мумкинлиги ҳақида муҳокама ўтказинг. Бунда ташкилотлардаги коллектив тажрибани тўплаши ва уни муваффақиятга эришишига, ҳамда рақобат устуворлигига эга бўлиши мақсадида мумкин бўлган турли хил усулларни ўз ичига қамраб олади.

### **С ўқитиш мақсади – Замонавий билим ва тадқиқотларни инсон ресурслари доирасида содир бўлувчи ҳодисаларни қўллаб-қувватлаш учун ишлата олиш**

- Ўқувчиларга модул шарҳи ва HR-мутахассислари учун HR соҳасидаги юзага келаётган ўзгаришларни ўрганиш ва англаб олишлари учун замонавий билим ва тадқиқотларни қўлланилиши нақадар муҳимлигини тақдим этишдан бошланг. Ташкилотларга рақобат устуворлигини бериб ва уларга хатарларни бошқариш имконини берган ҳолда ходимларни бошқариш функцияси ва жараёнларини ривожлантириш учун тадқиқот натижаларидан қандай фойдаланиш мумкинлигини тушунтиринг.
- Ўқувчиларга бирламчи ёки иккиламчи тадқиқот усуллари ёрдамида ўтказилиши мумкин бўлган HR соҳасидаги жорий ҳодиса ва тенденциялар тадқиқоти керак бўлади. Тадқиқот фаолияти PESTLE таҳлилини ўз ичига олиши лозим. Ўқувчилардан тадқиқот натижаларини муҳокама қилишларини илтимос қилиб, HR-функция ва жараёнларини ривожлантириш учун ушбу маълумотни қандай қўллаш мумкинлигини аниқлаб, ходимларни самарали бошқариш фаолияти чегараларини кенгайтиринг.
- Давлат ва хусусий ташкилотлардан таклиф этилган спикер, ўқувчиларга ташкилий режалаштиришда хатарларни тадқиқ этиш ва таҳлил қилиш, ходимларни бошқариш функцияларининг тармоқ талабларига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида қўллайдиган хатти-ҳаракатлар, ишчи кучини ёллаш, ушлаб қолиш ва иштиёқлантириш муаммоларини қандай ечганликлари, шунингдек, манфаатдор томонларнинг қарама-қарши қутилган натижалари ва глобал операцияларда хатарларни бошқариш ҳақида қимматли маълумотларни тақдим этадилар.
- Кичик гуруҳлар ходимларни бошқариш соҳасида истиқболларни ўрганишлари ва ўзларининг натижаларига эга бўлган гуруҳ учун тақдимот билан чиқишлари мумкин.

**D ўқитиш мақсади – Ташкилий лойиҳалаш ва ўзгаришларни бошқариш орасидаги боғлиқликни тушуниш**

- Ўзгаришларни бошқариш моделини ўз ичига олган ҳолда ўзгаришларни бошқариш ва ташкилотда ўзгаришлар жараёни мавзусини тақдим этинг.
- Қатнашувчилар, ташкилот фаолияти натижаларига ҳамда мақсад ва вазифаларига эришишларига таъсир кўрсатган ўзгаришлар, қийинчиликлар ва таъсирлар билан муваффақиятли ёки муваффақиятсиз уддалаган ташкилотларнинг амалий мисолларини ўрганишлари мумкин.
- Ўқувчилар ходимларни бошқаришнинг ҳуқуқий ва ахлоқий усулларини ҳамда уларнинг ташкилот ва унинг ходимлари учун аҳамиятини мустақил тадқиқ этишлари лозим. Тадқиқот шунингдек, ташкилотдаги ўзгаришларга қонунчиликнинг таъсирини ўз ичига олиши лозим.
- Давлат ва хусусий ташкилотлардан таклиф этилган спикерлар HR соҳасида ахлоқий усул ва ёндашувларни жорий этиш ҳамда ҳуқуқий талабларга қандай риоя этилаётганлиги ҳақида қимматли маълумот тақдим этадилар. Таклиф этилган спикерлар HR-функцияларини, мақсад ва вазифаларини ҳамда HR-функциянинг ташкилот муваффақияти учун қандай ёрдам бераётганлиги ва ички ташкилий омилларни қандай назорат қилиши ҳақида сўзлаб беришлари мумкин.
- HRнинг ташкилий муваффақиятга қандай ёрдам бериши ҳақида мунозара ўтказинг. Ўқувчиларни самарали HR-функцияларига эга ташкилотлар мисолларини келтиришларини рағбатлантириш керак.
- Жуптликларда ёки кичик гуруҳларда ташкилий режалаштириш ва ўзгаришларни бошқариш орасидаги ўзаро алоқа ҳақида муҳокама ўтказинг, сўнг ғояларингизни янада кенгроқ гуруҳ билан бўлишинг.



## Ресурслар

### Китоблар

Hayes, J. – *The Theory u Практика of Change Management*. 4th Ed. London: Palgrave Macmillan (2014).

LewTC, L. K. – *Organizational Change: Creating Change Through Strategic Communication*. Chichester: Wiley-Blackwell (2011).

Mee-Yan, C-J. и Holbeche, L. – *Organizational Development: A Practitioner's Guide for OD u HR*. London: Kogan Page (2015).

Stanford, N. – *Organization Design: Engaging with Change*. 2nd Ed. London: Routledge (2013).

### Журналлар

*Journal of Change Management*

*Journal of OrganTCational Design*

*Leadership u OrganTCational Development Journal*

*Pearson* ҳар қандай ташқи интернет-сайтларнинг мазмуни учун жавобгарликни зиммасига олмайди. Ўқитувчилар ҳар бир веб-сайтни синфда ишлатишдан олдин унинг URL-манзили ҳали ҳам аниқ, актуал ва ўринли эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун, уни олдиндан кўриб чиқишлари жуда муҳимдир. Биз ўқитувчиларга фойдали веб-сайтларни белгилашни ва ўқувчиларга уларга мактаб/коллеж интернетини орқали киришни таклиф қилишни тавсия қиламиз.



## Иш схемаси

<b>Модул</b>	1-модул: Самарали инсон ресурсларининг ўрни
<b>Ўқув соатлари</b>	60
<b>Дарслар сони</b>	20
<b>Дарсларнинг давомийлиги</b>	3 соат
<b>Бошқа модулларга ҳаволалар</b>	Барча модуллар

<b>Ўқитиш учун калитлар</b>			
<b>ЁМТ</b>	Ёзма Мустақил топшириқ	<b>ММ</b>	Материални мустаҳкамлаш
<b>ТС</b>	Таклиф этилган спикер	<b>Т</b>	Ташриф
<b>МЎ</b>	Мустақил ўқитиш	<b>ИТ</b>	Иш тажрибаси

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
1	Модулга кириш	Ўқитувчи раҳбарлиги остидаги ҳамда мустақил машқлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> Мундарижа ва модулнинг йўналишига кириш.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:</b> HR ва уни ривожланиши ҳақида умумий тасаввур бериш <ul style="list-style-type: none"> <li>○ Ташкилий тузилмалар</li> </ul> </li> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар ташкилий тузилмага йўналтирилган кейс-стадини ва/ёки ҳужжатни тадқиқ этишни яқунлайдилар. <ul style="list-style-type: none"> <li>○ Мақола/ҳужжат шарҳини тайёрлаб қўйиш.</li> <li>○ Синфда ушбу хулосалар билан бўлишишга тайёр туринг.</li> </ul> </li> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар ўзларининг фикрларини ёзадилар ва таянч атамалар изоҳли луғатига киришадилар.</li> <li>• <b>Якуний сессия:</b> дарсда аниқланган ўқувнинг асосий бандларини тасдиқлаш.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p><b>ТС1, ТС2 ва ТС3:</b> тақдимот слайдлари ва ўқитувчи қайдномалари.</p> <p><b>ФШ1:</b> дарсда олинган, ўқувнинг асосий жиҳатлари натижаларини қайд этиш учун шаблон.</p> <p>Кейс-стади/ташкилий режалаштиришнинг тадқиқи.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p>Интернетга кириш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
2	Ташкилий режалаштириш (1-қисм)	Ўқитувчи раҳбарлиги остидаги ҳамда мустақил машқлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> аввалги дарс шарҳи.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>○ ташкилий режалаштириш (ТР) концепцияси;</li> <li>○ ТР тарихи;</li> <li>○ ТР асосий омиллари;</li> <li>○ стратегик мақсадларга эришиш учун ташкилотларни режалаштириш.</li> </ul> </li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> ақлий ҳужум – ТРга таъсир кўрсатувчи омиллар.</li> <li>• <b>Синфдаги муҳокама:</b> ТР асосий жиҳатлари ва элементлари.</li> <li>• <b>Фаолликнинг мувофиқ вақт шкаласи:</b> ТРнинг тарихий эволюцияси.</li> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчи ўзининг бизнес-модели ва ТРни ўзгартирган ташкилотнинг кейс-стадисидан фойдаланиб тадқиқот ўтказди.</li> <li>• <b>Умумий машқ:</b> ТРга таъсир кўрсатган ва ТРга бўлган турли ёндашувлар тақдимоти ва мавзуга доир муҳокама.</li> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар ўзларининг фикрларини ёзадилар.</li> <li>• <b>Яқуний сессия:</b> дарсда аниқланган ўқувнинг асосий бандларини тасдиқлаш.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p><b>ТС4</b> ва <b>ТС5:</b> тақдимот слайдлари ва ўқитувчи қайдномалари.</p> <p>Ўз бизнес-моделини ўзгартираётган ташкилотларнинг амалий мисолини ўрганиш.</p> <p>Интернетга кириш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
3	Ташкилий режалаштириш (2-қисм)	Ўқитувчи раҳбарлиги остидаги ҳамда мустақил машқлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> аввалги дарс шарҳи.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>○ ТРга ёндашувлар – масалан, Galbraith’s STAR, Balance Score card, Goold ва Campbell, «Fit» ва «Good Design» моделлари;</li> <li>○ самарали ТР хусусиятлари.</li> </ul> </li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> ақлий ҳужум – самарали ТРнинг асосий хусусиятларини аниқлаш.</li> <li>• <b>Гуруҳларда тадқиқот машқи:</b> ҳар бир гуруҳ тадқиқ этади ва ўзларининг ТРга ёндашувларини тақдим этадилар ҳамда ушбу ёндашувларнинг афзалликларини муҳокама қиладилар.</li> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар ўзларининг фикрларини ёзадилар.</li> <li>• <b>Якуний сессия:</b> дарсда аниқланган ўқувнинг асосий бандларини тасдиқлаш.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p><b>ТС6:</b> тақдимот слайдлари ва ўқитувчи қайдномалари.</p> <p>Маркетинг сценарийлари.</p> <p>Самарали маркетинг режалаштириш бўйича кейс-стади.</p> <p>Интернетга кириш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
4	Мустаҳкам натижалар (1-қисм)	Ўқитувчи раҳбарлиги остидаги ҳамда мустақил машқлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> аввалги дарс шарҳи.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>○ мустаҳкам натижалар нима?</li> <li>○ ташкилий режалаштириш қандай қилиб мустаҳкам мақсадларга мувофиқ бўлиши мумкин.</li> </ul> </li> <li>• <b>Жуфликда бажариладиган машқлар:</b> ўқувчилар мустаҳкам иш ҳақида кейс-стади бўйича аниқлайдилар, кўриб чиқадилар ва хулоса қиладилар.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> мустаҳкам натижаларнинг ташкилий муваффақиятга таъсири.</li> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар ўзларининг фикрларини ёзадилар.</li> <li>• <b>Якуний сессия:</b> дарсда аниқланган ўқувнинг асосий бандларини тасдиқлаш.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p><b>ТС7:</b> тақдимот слайдлари ва ўқитувчи қайдномалари.</p> <p>Мустаҳкам натижалар ҳақида кейс-стади.</p> <p>Интернетга кириш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
5	Мустаҳкам натижалар (2-қисм)	Ўқитувчи раҳбарлиги остидаги ҳамда мустақил машқлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> аввалги дарс шарҳи.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:</b> ташкилий режалаштириш жараён қисми сифатида.</li> <li>• <b>Синфдаги муҳокама:</b> мустаҳкам ишни ташкилотнинг қисқа ва узоқ муддатли мақсадларига ҳамда унинг муваффақиятига таъсири.</li> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар ўзларининг фикрларини ёзадилар.</li> <li>• <b>Якуний сессия:</b> дарсда аниқланган ўқувнинг асосий бандларини тасдиқлаш.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси. Доска ва ручкалар.</p> <p><b>ТС8:</b> тақдимот слайдлари ва ўқитувчи қайдномалари.</p> <p>Интернетга кириш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>



№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
6	Мослашувчан ташкилотлар	Ўқитувчи раҳбарлиги остидаги ҳамда мустақил машқлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> аввалги дарс шарҳи.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:</b> мослашувчан ташкилотлар қандай ишлайди? <ul style="list-style-type: none"> <li>○ Мослашувчан ташкилотнинг хусусияти қандай?</li> <li>○ Мослашувчан иш қандай қилиб ТРга қўшилган?</li> </ul> </li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> ақлий ҳужум – Мослашувчан иш нима?</li> <li>• Видеоклиплардан фойдаланинг ва мослашувчан ташкилот яратиш афзалликларини белгиланг.</li> <li>• <b>Гуруҳларда тадқиқот машқи:</b> ҳар бир гуруҳ, мослашувчан ёндашувни қабул қилган ва ўзларининг хулосаларини тақдим этаётган ташкилотларнинг кейс-стади намуналарини тадқиқ этадилар.</li> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар ўзларининг фикрларини ёзадилар.</li> <li>• <b>Якуний сессия:</b> дарсда аниқланган ўқувнинг асосий бандларини тасдиқлаш.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p><b>ТС9</b> ва <b>ТС10:</b> тақдимот слайдлари ва ўқитувчи қайдномалари.</p> <p>Видео.</p> <p>Мослашувчан ёндашувлар ҳақида кейс-стади.</p> <p>Интернетга кириш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
7	Мотивация	Ўқитувчи раҳбарлиги остидаги ҳамда мустақил машқлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> аввалги дарс шарҳи.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:</b> алоҳида одамларни ва жамоаларни қандай мотивация қилиш ва ривожлантириш.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> ақлий ҳужум – турли хил мотивацион назариялар.</li> <li>• <b>Синфдаги муҳокама:</b> мундарижа мотивацион усуллар жараёнига қарши. Афзалликлари ва камчиликларини муҳокама қилиш. Мотивация ва самарадорликни ошириш тўғрисида видео кўриш/мақолалар ўқиш. Ўқувчилар ходимларнинг унумдорлиги ва мотивациясини оширадиган асосий омилларни аниқлашлари лозим.</li> <li>• <b>Гуруҳларда тадқиқот машқи:</b> HR-амалиётлар рақобат устуворлигини ошириш учун қандай қўлланилиши мумкин.</li> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар ўзларининг фикрларини ёзадилар.</li> <li>• <b>Якуний сессия:</b> дарсда аниқланган ўқувнинг асосий бандларини тасдиқлаш.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p><b>ТС11:</b> тақдимот слайдлари ва ўқитувчи қайдномалари.</p> <p>Мотивация ҳақида видео ва мақолалар.</p> <p>Интернетга кириш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
8	Инсон капитали	Ўқитувчи раҳбарлиги остидаги ҳамда мустақил машқлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> аввалги дарс шарҳи.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:</b> инсон капитали назарияси нима? <ul style="list-style-type: none"> <li>○ Инсон капитали назариясининг критицизми.</li> <li>○ Кадрлар амалиёти учун оқибатлар.</li> </ul> </li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> инсон капитали назариясининг афзалликлари ва камчиликлари.</li> <li>• <b>Гуруҳ тақдимоти:</b> гуруҳларда ақлий ҳужум – ходимлар бўйича менежерлар учун инсон капитали назариясининг оқибатларини муҳокама қилиш ва ўз ғояларини тақдим этиш.</li> <li>• Инсон капитали назариясини тадқиқ этиш ва муҳокама қилиш учун мақолалардан фойдаланиш.</li> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар ўзларининг фикрларини ёзадилар.</li> <li>• <b>Якуний сессия:</b> дарсда аниқланган ўқувнинг асосий бандларини тасдиқлаш.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p><b>ТС12:</b> тақдимот слайдлари ва ўқитувчи қайдномалари.</p> <p>Инсон капитали тўғрисида мақолалар.</p> <p>Интернетга кириш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
9	Билимларни бошқариш	Ўқитувчи раҳбарлиги остидаги ҳамда мустақил машқлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> аввалги дарс шарҳи.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>○ билимларни бошқариш нима?</li> <li>○ HR, билимларни бошқарган ҳолда қандай қилиб ўқув ташкилотини яратиши мумкин?</li> </ul> </li> <li>• <b>Ақлий ҳужум:</b> билимларни бошқариш ва одам жараёнлари билан алоқани қўллаш.</li> <li>• <b>Гуруҳларда тадқиқот машқи:</b> HR қандай қилиб ташкилотнинг ходимлар тажрибасини тўплайди ва уни «энг кўп фойдага эришадиган жой»га тарқатади? Гуруҳлар натижаларни тақдим этадилар.</li> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар ўзларининг фикрларини ёзадилар.</li> <li>• <b>Якуний сессия:</b> дарсда аниқланган ўқувнинг асосий бандларини тасдиқлаш.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси. Доска ва ручкалар.</p> <p><b>ТС13:</b> тақдимот слайдлари ва ўқитувчи қайдномалари.</p> <p>Интернетга кириш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
10	Мустақил топшириқ	Ўқитувчи раҳбарлиги остида	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> ўқувчиларнинг ўзлаштириши шарҳи ва биринчи Мустақил топшириқ бўйича савол.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> Мустақил топшириқга талаблар</li> <li>• <b>Ўқитувчи раҳбарлиги остида саволлар – жавоблар сессияси:</b> умумий гуруҳлардаги ва якка тартибдаги саволлар ва муаммоларни ҳал этиш.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> академик талаблар ва тақдим этиш форматининг шарҳи.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p><b>ТС14</b> ва <b>ТС15:</b> тақдимот слайдлари ва ўқитувчи қайдномалари.</p> <p>Интернетга кириш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
11	HR соҳасида юзага келаётган ҳодисалар	Ўқитувчи раҳбарлиги остидаги ҳамда мустақил машқлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> аввалги дарс шарҳи.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:</b> юзага келаётган тенденциялар. <ul style="list-style-type: none"> <li>○ HRга таъсир кўрсатаётган қийинчиликлар ва муаммолар.</li> <li>○ HR функциясининг келажаги.</li> </ul> </li> <li>• <b>Гуруҳларда машқлар:</b> ўқувчилар соҳасида юзага келаётган тенденцияларни тадқиқ этадилар ва турли хил оқибатларни муҳокама қиладилар. <ul style="list-style-type: none"> <li>○ PESTLE тузилмасидан фойдаланиб, ўқувчилар юзага келаётган тенденцияларни ҳаракатлантирувчи асосий кучларни аниқлайдилар.</li> <li>○ Ўқувчилар ходимларни бошқариш соҳасидаги 10 та энг самарали тенденциялар ва ходимлар олдида турган 10 та энг мураккаб вазифалар рўйхатини тўплайдилар.</li> </ul> </li> <li>• <b>Синфдаги муҳокама:</b> HRда ривожланиш истиқболи.</li> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар ўзларининг фикрларини ёзадилар.</li> <li>• <b>Якуний сессия:</b> дарсда аниқланган ўқувнинг асосий бандларини тасдиқлаш.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси. Доска ва ручкалар.</p> <p><b>ТС16</b> ва <b>ТС17:</b> тақдимот слайдлари ва ўқитувчи қайдномалари.</p> <p>Интернетга кириш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
12	HRнинг замонавий муаммолари	Ўқитувчи раҳбарлиги остидаги ҳамда мустақил машқлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> аввалги дарс шарҳи.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:</b> ходимнинг ўзгарувчи хусусиятига мослашиш. <ul style="list-style-type: none"> <li>○ Ишчи кучини сақлаш ва жалб этиш.</li> <li>○ Глобал операцияларнинг хатарларини бошқариш.</li> <li>○ Истеъдодли ходимларни ёллаш ва ушлаб қолиш.</li> <li>○ Қарама-қарши кутилган натижалар.</li> </ul> </li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> аввалги сессияда батафсил ёритилган муаммолар. HRда турли хил тоифадаги қийинчиликларни ҳал этишга ва тартибга келтиришга йўналтирилган кейс-стади шарҳи.</li> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар ўзларининг фикрларини ёзадилар.</li> <li>• <b>Якуний сессия:</b> дарсда аниқланган ўқувнинг асосий бандларини тасдиқлаш.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p><b>ТС18:</b> ўқитувчининг тақдимот қайдномалари.</p> <p>HR соҳасида муаммолар кейс-стадиси.</p> <p>Интернетга кириш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
13	HRнинг функция ва жараён сифатида келажаги	Ўқитувчи раҳбарлиги остидаги ҳамда мустақил машқлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> аввалги дарс шарҳи.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:</b> тенденция ва муаммоларнинг ҳамда бўлғуси HR-функция учун оқибатларнинг қисқача таърифи.</li> <li>• <b>Тадқиқот машқлари:</b> ўқувчилар HRни ривожлантириш ва ўзгартириш истиқболлари ҳақида мақолалар ўқийдилар.</li> <li>• <b>Гуруҳларда машқлар:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>○ гуруҳлар ақлий ҳужум ўтказадилар ва HR функциясини қай тарзда ўзгартиришини тушунтирган ҳолда 10 та ўзларининг энг яхши тенденцияларини тақдим этадилар;</li> <li>○ HR соҳасида мутахассис ҳисобланмаган менежерларни қўллаб-қувватлаш – HRнинг самарали бошқарув ва етакчиликка қандай ёрдам бериши тўғрисида ақлий ҳужум.</li> </ul> </li> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар ўзларининг фикрларини ёзадилар.</li> <li>• <b>Якуний сессия:</b> дарсда аниқланган ўқувнинг асосий бандларини тасдиқлаш.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p><b>ТС19</b> ва <b>ТС20:</b> тақдимот слайдлари ва ўқитувчи қайдномалари.</p> <p>Интернетга кириш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>



№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
14	HR ва ўзгаришларни бошқариш (1-қисм)	Ўқитувчи раҳбарлиги остидаги ҳамда мустақил машқлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> аввалги дарс шарҳи.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>○ ўзгаришларни бошқаришнинг таъсири;</li> <li>○ ўзгаришларни бошқариш моделлари (масалан, Коттернинг 8-қадамли жараёни ва Левиннинг ўзгаришлар модели).</li> </ul> </li> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар ҳозирги вақтда ўзгариш жараёнидан ўтаётган ташкилотларни аниқлайдилар ва шарҳини тузадилар. <ul style="list-style-type: none"> <li>○ уларнинг шарҳларини тақдим этишга ва муҳокама қилишга тайёрланинг.</li> </ul> </li> <li>• <b>Гуруҳ тақдимотлари:</b> ўзгаришларни бошқариш вазиятларида одамларни қандай мотивациялаш. <ul style="list-style-type: none"> <li>○ турли хил бизнес-сценарийлар учун ўзгаришларни бошқариш бўйича турли ташаббусларни намойиш этиш.</li> </ul> </li> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар ўзларининг фикрларини ёзадилар.</li> <li>• <b>Якуний сессия:</b> дарсда аниқланган ўқувнинг асосий бандларини тасдиқлаш.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p><b>ТС21, ТС23</b> ва <b>ТС23:</b> тақдимот слайдлари ва ўқитувчи қайдномалари.</p> <p>Интернетга кириш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
15	HR ва ўзгаришларни бошқариш (2-қисм)	Ўқитувчи раҳбарлиги остидаги ҳамда мустақил машқлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> аввалги дарс шарҳи.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:</b> аввалги ҳафтадаги сессиянинг давоми. <ul style="list-style-type: none"> <li>○ ўзгаришларни бошқаришга HR-ёндашувлар.</li> </ul> </li> <li>• <b>Гуруҳларда машқлар:</b> мотивация ва ўзгаришларни бошқариш асосида кейс-стади ўтказиш. Ўқувчилар ушбу масалаларга қаратилган битта HR-ечим асосида гуруҳ тақдимотларини тайёрлайдилар.</li> <li>• <b>Гуруҳ тақдимоти:</b> ўзгариш жараёнидан ўтаётган ташкилотлар шарҳини бажариш, сўнг ҳамкасблари томонидан тақдим этилган турли хил фикрларни таққослаш ва муҳокама қилиш.</li> <li>• <b>Ўқувчилардан сўров олиш:</b> уларнинг ўзгаришларни бошқариш ва HR-функцияларни тушунишлари ҳақида.</li> <li>• <b>Синфдаги муҳокама:</b> ташкилий ўзгаришларни бошқариш жараёнларида қатнашиш учун одамларнинг мотивациясига ёндашувлар.</li> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар ўзларининг фикрларини ёзадилар.</li> <li>• <b>Якуний сессия:</b> дарсда аниқланган ўқувнинг асосий бандларини тасдиқлаш.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси. Доска ва ручкалар.</p> <p><b>ТС24</b> ва <b>ТС25:</b> тақдимот слайдлари ва ўқитувчи қайдномалари.</p> <p><b>МР1:</b> ўқитувчи томонидан ишлаб чиқилган ўзгаришларни бошқариш бўйича сўров.</p> <p>Мотивация ва ўзгаришларни бошқариш масалалари бўйича кейс-стади.</p> <p>Интернетга кириш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
16	Семинар	Ўқитувчи раҳбарлиги остида	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> ўқувчиларнинг ўзлаштириши шарҳи ва иккинчи Мустақил топшириқни бериш.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> Мустақил топшириқга талаблар</li> <li>• <b>Ўқитувчи раҳбарлиги остида саволлар – жавоблар сессияси:</b> умумий гуруҳлардаги ва якка тартибдаги саволлар ва муаммоларни ҳал этиш.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> академик талаблар ва тақдим этиш форматининг шарҳи.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси. Доска ва ручкалар.</p> <p><b>ТС26</b> ва <b>ТС27:</b> тақдимот слайдлари ва ўқитувчи қайдномалари.</p> <p>Интернетга кириш имконияти мавжуд компьютерлар.</p> <p>Мустақил топшириқ.</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
17	HRнинг ҳуқуқий ва ахлоқий масалалари	Ўқитувчи раҳбарлиги остидаги ҳамда мустақил машқлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> аввалги дарс шарҳи.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:</b> ҳуқуқий ва ахлоқий чекловлар.</li> <li>• <b>Синфдаги муҳокама:</b> ахлоқий HR-амалиётлар.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> ходимларни бошқаришга ахлоқий ёндашувларни фактик амалга оширилишини тушуниш учун кейслар (вазиятлар) ва бизнес-сценарийларнинг намуналарини намойиш этиш.</li> <li>• <b>Тадқиқот машқлари:</b> ўзгаришларни бошқариш жараёнига асосий қонунчилик актларининг таъсири.</li> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар ўзларининг фикрларини ёзадилар.</li> <li>• <b>Якуний сессия:</b> дарсда аниқланган ўқувнинг асосий бандларини тасдиқлаш.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси. Доска ва ручкалар.</p> <p><b>ТС28</b> ва <b>ТС29:</b> тақдимот слайдлари ва ўқитувчи қайдномалари.</p> <p>HR соҳасида кейс-стади ва ахлоқий амалиётлар сценарийлари.</p> <p>Интернетга кириш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
18	HRнинг ташкилот муваффақиятига ҳиссаси	Ўқитувчи раҳбарлиги остидаги ҳамда мустақил машқлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> аввалги дарс шарҳи.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:</b> ташкилий муваффақиятга ходимлар ҳиссасини максималлаштириш.</li> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар HR нинг ташкилотлар муваффақиятига қандай ёрдам кўрсатаётгани ва турли хил ички ташкилий омилларни назорат қилаётганини диққат билан тадқиқотини ўтказадилар.</li> <li>• <b>Синфдаги муҳокама:</b> муваффақиятга HR қандай ёрдам кўрсатади?</li> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар ўзларининг фикрларини ёзадилар.</li> <li>• <b>Якуний сессия:</b> дарсда аниқланган ўқувнинг асосий бандларини тасдиқлаш.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси. Доска ва ручкалар.</p> <p><b>ТС30:</b> тақдимот слайдлари ва ўқитувчи қайдномалари.</p> <p>Интернетга кириш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>
19	А дан D гача ўқитиш мақсадлари	Ўқитувчи раҳбарлиги остида	<ul style="list-style-type: none"> <li>• А дан D гача ўқитиш мақсадлари- сессия хулосалари.</li> <li>• Ўқувчилар қўшимча тушунтириш ва эслатмани талаб этадиган мавзуларни ажратадилар.</li> <li>• Якунлаш учун сўровнинг асосий мавзулари.</li> <li>• Гуруҳларда ўқувни аниқлаш ва мустаҳкамлаш учун саволлар ва жавоблар/муҳокамалар сессияси.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси. Доска ва ручкалар.</p> <p><b>MP2:</b> ўқитувчи томонидан ишлаб чиқилган асосий мавзу бўйича сўров.</p> <p>Интернетга кириш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
20		Ўқитувчи раҳбарлиги остида	<ul style="list-style-type: none"> <li>Ўқитувчи ёзувлари бўйича яқка тартибдаги дарслар.</li> <li>Ажратилган вақт интервалларининг жадвали.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p><b>ФШ2:</b> ўқувчи учун қайта алоқа шаблони.</p> <p>Интернетга кириш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

## Дарс режаси

<b>Малака</b>	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 5-даража Инсон ресурсларини бошқариш соҳаси бўйича Профессional Диплом
<b>Модул</b>	1-модул: Самарали инсон ресурсларининг ўрни
<b>Дарс рақами</b>	1 (180 дақиқа)

<b>Дарс мақсадлари</b>	<p>Ўқувчилар қуйидагига қодир бўлишлари лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>ўқитиш мақсадларини ўз ичига олган ҳолда 1-модул мақсадини тушуниш.</li> </ul>
------------------------	--

Сизнинг ўқувчиларингиз модулдаги асосий мавзуларга тегишли маълумотлар манбаига кириш имкониятига муҳтож бўладилар. Баъзи ўқувчилар ишга ёки норасмий тажрибага эга бўлишлари мумкин ва улар билимларни касбий амалиёт билан бирга олиб боришлари фойдали ва муҳимдир.

Ушбу модулда турли ўқув усулларида фойдаланишингиз мумкин, улар қуйидагилардир:

- HR соҳасидаги жорий тенденциялар ва ўзгаришларнинг тадқиқот натижаларини муҳокама қилиш (синфда ёки кичик гуруҳларда);
- гуруҳлардаги кадр стратегиясига таъсир кўрсатувчи, ички ва ташқи омилларни очиб берувчи мустақил иш ёки тақдимотлар;
- тегишли назариялар, моделлар ва концепцияларни қўллайдиган, намоёниш этувчи ташкилотларнинг амалий мисолларини ўрганиш;
- ташкилотларнинг ходимларни бошқариш соҳасида замонавий муаммоларни қандай уддалаганлигини намоёниш этувчи видеоклиплар.

Гуруҳдаги иш, ўқувнинг маъқул шакли ҳисобланади, лекин сиз ҳар бир ўқувчини баҳолаш учун етарли деталларни ўз ичига олган шахсий далилларини тақдим этаётганликларига ишонч ҳосил қилишингиз лозим. Сиз ушбу модулни ўрганиш учун маҳаллий иш берувчиларни қуйидагилар сифатида таклиф қилган ҳолда жалб этишингиз мумкин:

- давлат ва хусусий секторлардан таклиф этилган спикерлар;
- ўқувчилар тақдимоти учун аудитория аъзолари, бу ерда улар қайта алоқа беришлари мумкин;
- ўқувчилар учун иш тажрибаси ва кейс-стади ҳамда мисоллар учун асос сифатида бизнес-материалларни етказиб берувчилар;
- ўқувчилар учун устозлар;
- ўқувчиларга HR-функциясининг самарали иш тажрибасини олишлари учун объектга ташриф буюриш имкониятини тақдим этадиган иш берувчи.

### **Иш берувчининг иштироки**

Ўқитувчиларга самарали HR-функцияларига эга давлат ва хусусий сектор ташкилотларидан спикерларни, уларнинг бизнесида самарали HRнинг муҳимлиги ҳақида сўзлаб беришлари учун таклиф этиш тавсия этилади. Агар маҳаллий ёки ҳудудий ташкилотлар билан алоқа ўрнатилса, улар ўзларининг бизнесида қўлланиладиган, HRMга тегишли ва конфиденциал ҳисобланмаган сиёсат, тартиб-таомил ва ҳужжатларнинг намуналарини тақдим этишга тайёр бўлишлари мумкин.

Марказлар маҳаллий хусусий сектор ҳамда давлат бошқаруви корхоналари билан алоқани ривожлантиришлари лозим, чунки улар кўп ҳолларда иш жойларини, ташрифларни, компаниялар ва маҳаллий бизнес-муҳит ҳақида маълумотларни, шунингдек, таклиф этиладиган спикерларни тақдим этишлари мумкин.

### **Ўқитиш мақсадларига эришиш**

A ва B ўқитиш мақсадлари умумлаштирилиши ва HR-стратегияга таъсир кўрсатувчи асосий, ташқи ва контекст ҳодисаларга диққатни жамлаши тавсия этилади.

А ўқитиш мақсади учун ўқувчилар 1-модул: Самарали инсон ресурсларининг ўрни да ёритилган мавзуларни ёдга олиш имкониятларига эга бўлишлари муҳим, бу кейинги билимлар ва ушбу мавзуларнинг ходимларни стратегик бошқаришда қандай қўлланилишини тушунишлари учун асосни таъминлайди. Ўқувчиларга ходимларни бошқариш стратегиясига таъсир кўрсатувчи жорий тенденция ва ҳодисаларни ўрганишни давом эттиришлари ва ходимларни бошқариш стратегияси ҳамда амалиётига таъсир ўтказиши учун кенг доирали маълумотлар манбаига кириш имкониятини тақдим этиш лозим. Турли ташкилотларга ташриф буюриш ҳамда ходимлар бўйича менежерлар ва асосий менежерлар билан суҳбат қуриш, замонавий тенденциялар ва ҳодисалар ҳақида, шунингдек, уларнинг кадр сиёсати ва амалиётини қандай шакллантириши ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

Ўқувчилар ташкилотларда технологияларнинг ходимлар билан ишлашини бошқариш усулини қандай шакллантиришини тушунишлари муҳим. HR амалиёт ёллаш жараёнида ариза бериш, суҳбат ва лавозимга кириш босқичларида технологиялардан фойдаланишнинг шахсий мисоллари билан алмашишни ўз ичига олиши мумкин. Ўқувчилар HR соҳасидаги ташкилотларга технологияларнинг ижобий ва салбий таъсири ва уларни бошқариш усуллари таҳлил қилиш учун кичик гуруҳларда ишлашлари мумкин. Ўқувчилар, ходимларнинг ахлоқи ва маданиятига, иш усули ва кўникмаларига таъсир кўрсатган технологик ютуқларни ҳисобга олган ҳолда ходимларни бошқариш функцияси қандай ривожланишини инобатга олишлари лозим. Ўқувчилар истеъдодларни ёллаш, сақлаб қолиш ва жалб этишда инсон ресурслари соҳасида юзага келадиган ўзгаришларни, ташкилотларда маданиятлараро ўзаро ҳамкорликнинг таъсири ва глобаллашувини ҳисобга олишлари муҳим.

Ўқувчиларни назария, моделлар ва концепцияларга таалуқли, юзага келаётган ишланмалар, шунингдек, уларни танланган ташкилот контекстида қўллашлари учун ички ва ташқи омиллари ва таъсири билан боғлиқ 1-модулдаги ўқув ва амалий машқларга асосланишларини рағбатлантириш лозим.



В ўқитиш мақсади учун ўқувчилар 1-модулдаги HRнинг тадқиқотлар натижаларидан фойдаланадилар ва ривожлантиришнинг замонавий назарий ва амалий билимларини қўллаш имкониятига эга бўлишлари лозим. Ўқувчиларни инсон ресурслари соҳасида охириги ютуқларни ўрнатиш ва инсон ресурсларини стратегик бошқариш соҳасида тадқиқотлар ўтказиш учун замонавий билим ва тадқиқот кўникмаларини қўллашларини рағбатлантириш керак. Улар тадқиқотни муайян ташкилот контекстида ўтказишлари зарур, бу уларга мавзуга чуқурроқ киришлари ва ўзларининг тадқиқотларини жамлашга имкон беради. Ўқувчилар ходимлардан HRM гача HR ривожлантириш тарихи, стратегик HRMнинг ўсиши, ташкилий ва кадр стратегиялари орасидаги алоқани ўз ичига олган ҳолда стратегик HRMнинг ўсиши ва ривожланишига таалуқли мувофиқ назария ва концепцияни тўлиқ таҳлил қиладилар. Таклиф этилган спикерлар сифатида HR-экспертлар қанашувчиларга ушбу соҳаларни чуқурроқ ўрганиш ва ўқувчиларнинг хулосаларини ташкилот муҳити билан таққослаш имкониятларини берадилар.

Ўқувчилар замонавий HR назарияси ҳамда HR-амалиёт ва HR-функцияга кўрсатаётган таъсирларни қисқа баён қилинган ўз тадқиқотларининг натижаларини тақдим этишлари мумкин. Ўқувчиларнинг тадқиқотлари ходимларни бошқариш соҳасида ривожланиш истиқболлари ва аниқланган замонавий амалиётлар асосида HR- функцияларни ўзгартириш тўғрисидаги мақолалар билан мустаҳкамланиши мумкин.

С ўқитиш мақсади учун ўқувчилар биринчи модулдаги ўрганишларга таянган ҳолда ўзгаришларни бошқариш стратегиялари, моделлари ва концепциялари ҳақида тасаввур ҳосил этиш учун асосий тадқиқот ўтказишлари лозим. Ўқувчилар ўзгаришларни бошқариш моделларининг ходимларни бошқариш стратегиясини қандай қўллаб-қувватлаётганликларини тушунишлари ва ўз тадқиқотларини муайян ташкилотга қаратишлари муҳим. Ўқитувчиларнинг ташкилий ахлоқ концепцияси ва унга ўзгаришларнинг таъсири тўғрисидаги тақдимотлари ўқувчиларга ўзгаришлар учун нималар зарурлиги ва уларнинг ташкилот ҳамда алоҳида одамларнинг таъсирига диққатни қаратиш имконини беради. Мазкур тақдимотнинг муаммоларини ўрганиш, HR билан интервьюда ва стратегик менежментда қўлланилиши мумкин ёки кейинчалик ташкилий ахлоқ концепциясини мустақил ўрганишга олиб келиши мумкин.

Ўқувчилар ўзгаришларни бошқаришнинг кейинги оммабоп назария ва моделларини тадқиқини ўтказишлари ҳамда уларни ва ўзгаришларни бошқаришда муайян ташкилотлар томонидан фойдаланиладиган ёндашувлар орасида алоқа ўрнатишни билишлари лозим.

Ўзгаришларни самарали бошқаришнинг кадр стратегиясига қандай таъсир кўрсатиши мумкинлиги, шунингдек, ўқувни кадр амалиётининг асосий соҳаларига қаратиш, ишчи кучини режалаштириш, ёллаш жараёни, ходимларнинг мотивацияси ва самарадорлигини бошқариш устида гуруҳ иши.

D ўқитиш мақсади учун ўқувчилар ходимларни бошқариш ва уни ривожлантиришнинг аҳамиятини, шунингдек, у бизнес ишининг мустақамлигига қандай ёрдам кўрсатиши мумкинлигини тушунишлари лозим. Ўқувчиларни ўзларининг ўрганишларини ва тадқиқотларини танланган ташкилот билан боғлашларини рағбатлантириш лозим. Алоҳида ташкилотлар иш берувчининг ташкилоти ёки ўқувчига таниш ташкилот бўлиши мумкин. Ходимларни бошқаришнинг иш барқарорлиги ва ишбилармон ташкилотларнинг ўсишига қандай ёрдам беришини тушуниш учун ўқувчилар HR-бўлимининг ходимларига ёки ходимларни самарали бошқариш ва ривожлантириш билан боғлиқ ташкилий стратегиялар, тузилмалар ва амалий ишлар тўғрисида маълумотга эга бўлишлари лозим.

Ўқувчилар ташкилотларнинг қисқа ва узоқ муддатли мақсадларга эришиши рўёбга чиқиши учун лойиҳалаштирилган ва тузилган бўлиши лозимлигини, ходимларни самарали бошқариш ва уни ривожлантириш эса барқарор натижаларга эришиш жараёнининг қисми эканлигини тушунишлари лозим. HRM ёрдамида барқарор натижалар ва ўсишга эришаётган ташкилотларнинг мисоллари келтирилган кейс-стади ёки видеороликлардан фойдаланинг.

Ўқувчилар бизнеснинг самарадорлиги ва ўсишини мониторинг қилиш ва ўлчаш учун фойдаланиши мумкин бўлган инструмент ва усулларни мустақил равишда ўрганишлари ва HR-функциялари уларни ташкилотда ўзгариш ва ривожланишни қўллаб-қувватлаш учун қандай қўллаши мумкинлигини тадқиқ этишлари лозим. Ўқитувчиларнинг бундай инструментлар ва методикаларга бағишланган тақдимотлари ўқувчиларга самарадорлик ва ўсиш, шунингдек ташкилот ва унинг ходимлари ривожланиши тўғрисида мақбул маълумот олишида турли вазиятларда фойдаланиш учун энг мос инструментлар ва усулларни аниқлаш учун маълумот беради.

Ўқувчилар ўз тадқиқотлари натижаларини ва гуруҳ билан HR ни турли ривожлантириш усулларининг турли ташкилотларга мустақам самарадорликни ва бизнес ўсишини максималлаштириш учун қандай қўлланилиши мумкинлигини тақдим этишга қодир.

### Баҳолаш бўйича қўлланма

Ушбу модул битта вазифадан ташкил топган битта Мустақил топшириқ орқали баҳоланади. Вазифа А, В С ва D ўқитиш мақсадларини қамраб олади ва ўқувчилардан компания ходимлари бўйича директор учун якка тартибдаги ҳисобот тузишларини талаб этади, унда ташкилотнинг умумий стратегик режасини қўллаб-қувватлаш мақсадида кадр стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш усуллари таклиф этилади.

Барча ўқувчилар ҳақиқийлиги тасдиқланадиган шахсий асосларини мустақил тайёрлашлари лозим. Ҳисобот тўлиқ асосланган бўлиши ва қуйидаги (ёки муқобил) форматда тақдим этилган бўлиши лозим:

- ҳисоботнинг мақсади, қўлами ва қўлланилиш соҳаси;
- ташкилотнинг функциясига асосий ички ва ташқи таъсирларнинг таҳлили;
- ташкилотнинг асосий стратегик ва операцион масалалари баҳоси;
- замонавий назария қандай қилиб кадр стратегиясини қўллаб-қувватлаётганлиги ва бизнес-мақсадларга жавоб бераётганини намоиш этиш учун амалиёт билан боғлиқ;
- ўзгаришларни бошқариш моделларининг кейсни қўллаб-қувватлаш учун муайян мисолларни ўз ичига олган ҳолда кадр стратегиясини қандай қўллаб-қувватлаши мумкинлигининг баҳоси;
- ходимларни бошқаришнинг мустаҳкам бизнес ва ўсишни қандай қўллаб-қувватлаши мумкинлигининг баҳоси;
- мустаҳкам бизнес-мақсадига эришишда кадр стратегиясининг муваффақиятини қандай кузатиш ва баҳолаш;
- тўлиқ асосланган тавсия (лар).

## Модулнинг бошланиши

Сизга модулни ўрганишнинг битта усули учун бошланғич нуқта беради.

### 2-модул: Инсон ресурслари стратегияси ва бошқаруви

#### Кириш

- Тармоқ кўникмалари, бериладиган кўникмалар, билимлар ва ахлоқ модели, шунингдек, модул ютуқларининг инсон ресурсларини бошқариш ролида карьерага қандай олиб келиши мумкинлигини тавсифлаш. Ўқувчиларга модул мундарижасида кўрсатилган мавзуларга асосланган тегишли ўқув имкониятларини бериш учун диққатни жамлаш.
- Баҳолашдан аввал ушбу машқларни дадиллик билан бажариш учун ўқувчи зарур кўникма, билим ва ўзига хос ахлоқни ривожлантириши лозим.
- Ўқувчи чуқур билим ва модул мавзуларини тушуниши ҳамда уларни ташкилотга қўллаш олиши учун ҳар бир ўқитиш мақсадлари учун зарур машқларга ўқув ва ривожлантиришга етарли вақт миқдорини ажратинг.
- Ўқувчи ушбу модул воситасида кейс-стади сифатида фойдаланиш учун ташкилотни танлаши лозим. У ташкилотдаги ўзгаришларни киритиши учун ташкилий режалаштиришдан фойдаланиши ва истеъдод ҳамда кўникмаларни излашда рақобатбардошликни қўллаб-қувватлаш учун зарур бўлган HRдаги бўлғуси ўзгаришларни инобатга олиши керак.

**А ўқитиш мақсади: Инсон ресурсларини бошқариш стратегиясига таъсир кўрсатувчи ташқи асосий ва контекстга оид ҳодисаларни тушуниш**

- Ушбу модул доирасида қурилган бўлиши мумкинлиги эҳтимолини, ўқувчиларнинг хотирасини ўқув билан янгилаш учун *1-модул: Самарали инсон ресурсларининг ўрнида ўтказилган ўқувни такрорлашдан бошланг.*
- Ўқувчи ўз тадқиқотларини асослайдиган мос ташкилотни танлаш учун вақтга эга бўлиши лозим. Бу ўзининг шахсий ташкилоти ёки ўзи биладиган ташкилот бўлиши мумкин.
- Ўқувчи тадқиқотнинг бирламчи ёки иккиламчи усулларидадан фойдаланиб, HR соҳасида жорий ҳодиса ва тенденцияларни ўрганиши лозим. Тадқиқот иши PESTLE таҳлилини ўз ичига олиши лозим. Ўқувчилардан тадқиқот иши натижаларини муҳокама қилишларини ва ташкилотнинг кадр стратегиясини ишлаб чиқиш учун натижалардан фойдаланиш имкониятини илтимос қилиб ушбу фаолиятнинг доирасини кенгайтиринг.
- Давлат ва хусусий ташкилотлардан таклиф этилган спикерлар ўқувчиларга ташкилий хатарларни тадқиқ этиш ва таҳлил қилиш, шунингдек, ходимлар бўйича менежерлар ва тенденция ҳамда ҳодисалар, кадр стратегияси ва амалиётга таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омиллар тўғрисидаги масалалар бўйича стратегик менежерларни доимий хабардор этиш учун қўлланиладиган хатти-ҳаракатлар ҳақида қимматли маълумотларни тақдим этишлари мумкин.
- Катта бўлмаган гуруҳлар ташқи ва ички омиллар ва муаммолар, хусусан, тармоқ талабларига риоя этиш, муаммоларни ҳал этиш ва глобал операцияларда хатарларни бошқаришнинг аҳамиятини муҳокама қилишлари мумкин.

### **В ўқитиш мақсади: Инсон ресурслари ҳақидаги замонавий назарий ва амалий билимларни қўллаш олиш**

- Ўқувчиларда модул ҳақида ва HR мутахассисларга HR-соҳасида юзага келаётган ўзгаришларга улгуришлари учун замонавий назарий ва амалий билимларни қўллашлари нақадар муҳимлиги ҳақида умумий тасаввур шакллантиринг. Тадқиқотлар натижалари ташкилотларга рақобат устуворлигини берган ҳолда уларга хатарларни бошқариш имконини бериб, стратегияни ва ходимларни бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш учун қандай фойдаланилиши мумкинлигини тушунтиринг.
- Концепция ва ходимларни стратегик ривожлантириш муҳокамасини ўтказиш. Бошқаришни қўллаш ва кадр стратегиясини ривожлантириш, шунингдек, унинг оммабоп ташкилотлар ва уларнинг ходимларига таъсири ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун кейс-стадидан фойдаланинг.
- Катта бўлмаган гуруҳлар, стратегияни ишлаб чиқишга таъсирлар, уни ишлаб чиқиш жараёни ва асосий жиҳатлари орасидаги ўзаро алоқани ўрганишлари мумкин.
- Ўқувчилар самарадорликни бошқариш ва самарадорликни ўлчаш учун адолатли ҳамда аниқ тизимлар муносабатида HR-амалиёти назарияси долзарблигининг батафсил тадқиқотини ўтказишлари мумкин. У баҳолаш тизимлари ва самарадорликни баҳолаш ҳамда самарадорликнинг таҳлилга турли хил ёндашувларини ўз ичига олади. Ўқувчилар ўзларининг тадқиқот натижалари ва хулосаларини ҳамда баҳолаш тизимида инobatга олиш зарур бўлган танқидий омилларнинг таҳлили муҳокамасини гуруҳда ўтказишлари мумкин.
- Ўқувчилар муайян ташкилотлар контекстида инсон ресурсларини бошқариш тизимларининг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида фикр юритишлари мумкин.
- Давлат ва хусусий секторлардан таклиф этилган спикерлар ходимларни мукофотлаш тизимларининг, ходимларга энг яхши ходимларни ушлаб қолиш бўйича фаолият доирасида тақдим этилиши мумкин бўлган мотивациянинг бевосита ва билвосита фойда кўринишидаги моддий ва номоддий шакллари самарадорлиги мавзусида муҳокама ўтказишлари мумкин. Ўқувчилар шунингдек, таклиф этилган спикерларга ушбу мавзу бўйича саволлар беришлари мумкин.

### С ўқитиш мақсади – Ўзгаришларни бошқаришга тегишли модуллар инсон ресурсларини бошқариш стратегиясига қандай ёрдам беришини тушуниш

- Ушбу модулда ўрганилган ўзгаришларни бошқариш моделларини ўз ичига олган ҳолда ташкилотда ўзгаришларни ва ўзгаришлар жараёнини бошқариш мавзусини такрорланг.
- Ўқувчилар, ўзгаришлар, муаммолар ва ушбу ўзгаришларнинг ташкилий фаолият ҳамда мақсад ва вазифаларига эришишида кўрсатган таъсирларни муваффақиятли ёки муваффақиятсиз бошқарган ташкилотларнинг аниқ амалий мисолларидан фойдаланишлари мумкин.
- Ўзгаришларни бошқариш моделлари ва концепцияларининг ҳамда ўзгаришларни бошқаришнинг психологик шартнома, олға суриш назарияси ва ўзгаришларга қаршиликларни бошқариш усулларини ўз ичига олган ходимларни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқишни қандай қўллаб-қувватлаётганлиги муҳокамасини ўтказиш.
- Ўқувчилар мустақил равишда ўзгаришларни бошқаришнинг турли хил концепциялари ва моделларининг афзалликлари ва камчиликлари, уларни муайян ташкилий контекст ва вазиятларда қўллаш, шунингдек, ўзгаришларни бошқаришнинг психологик шартнома ва одамларнинг ахлоқига таъсири тадқиқотини ўтказишлари мумкин.
- Давлат ва хусусий ташкилотлардан таклиф этилган спикерлар ўқувчиларга ташкилотларнинг трансформацияси, HR-функцияларининг «ўзгаришлар агенти» сифатида роли ва бизнесда муваффақиятга эришиш учун HR-стратегиянинг аҳамияти тўғрисида қимматли маълумот берадилар.
- HR ташкилотнинг муваффақиятига қандай ёрдам бераётганлиги ҳақида мунозара ўтказинг. Ўқувчиларни ходимларни бошқаришнинг самарали функцияларига эга ташкилотлар мисолини келтиришлари учун рағбатлантириш лозим.
- Катта бўлмаган гуруҳлар ёки жуфтликлар ўзгаришларни бошқаришга турли ёндашувларни муҳокама қилишлари ва муайян ташкилий контекст ёки вазиятда ўзгаришларни бошқариш учун қўллашлари мумкин бўлган ёндашувларни тақдим этишлари мумкин.

**D ўқитиш мақсади – Инсон ресурсларини бошқаришнинг ривожланишининг барқарор иш жойи ва бизнеснинг ўсишига қўшаётган ҳиссасини тушуниш**

- Мустаҳкам ўсиш ва уларни бошқаришга таалуқли, шунингдек, HR-стратегиянинг бизнес мустаҳкам ўсишига қандай ёрдам бераётганига таалуқли мавзуни тақдим этиш.
- Ўқувчилар концепция ва мустаҳкам ўсишга янги ёндашувларнинг, шунингдек, ташкилотда мустаҳкам иш ва ўсишни таъминлашда HR ўрнининг мустақил тадқиқини ўтказишлари мумкин.
- Ходимларни мустаҳкам бошқариш учун яхши раҳбариятнинг афзалликлари ва масъулиятли етакчиларни қандай ривожлантириш ҳақида мунозара ўтказинг. Мавзулар ташкилот доирасида мустаҳкам фаолият ва ўсишни амалга ошириш ва сақлаш учун зарур етакчилик сифатлари, характер қирралари ва услублари билан боғлиқ асосий омилларни қамраб олиши мумкин. Мунозаралар ташкилий контекстлар ёки вазиятларни инобатга олган ҳолда кейс-стади ёрдамида мустаҳкамланишлари мумкин.
- Ўқувчилар таҳлилларни қиёслаш қиймати ва унинг зарурлиги сабабларини ўз ичига олган ҳолда бизнеснинг мустаҳкам ривожланишини қўллаб-қувватлаш учун HRM ҳиссасини баҳолашни муҳокама қилиш ва ақлий ҳужумларда иштирок этишлари мумкин.
- Давлат ва хусусий ташкилотлардан таклиф этилган спикерлар таққослама таҳлилда ички ва ташқи таъсирлар ва омилларга таалуқли муайян мисолларни келтирган ҳолда турли хил самарадорлик кўрсаткичлари тўғрисида қимматли маълумотлар тақдим этадилар.
- Ўқувчилар ташкилотларнинг бенчмаркинг, имкониятлар ва унумдорликни бошқариш учун моделларни қандай қўллаётганлигини ўрганиш учун катта бўлмаган гуруҳларда ишлашлари мумкин.



## Ресурслар

### Китоблар

Armstrong, A. – *Armstrong's Handbook of Strategic Human Resource Management*. 5th Ed. London: Kogan Page (2011).

Campbell, D., Edgar, D. и Stonehouse, G. – *Business Strategy: An Introduction*. 3rd Ed. Basingstoke: Palgrave Macmillan (2011).

Kew, J. и Stredwick, J. – *Human Resource Management in a Business Context*. 2nd Ed. London: CIPD (2013).

LewTC, L. K. – *Organizational Change: Creating Change Through Strategic Communication*. Chichester: Wiley-Blackwell (2011).

### Журналлар

VARIOUS – *Human Resource Management*. Hoboken, USA: John Wiley & Sons, Inc., [http://onlinelibrary.wiley.com/journal/10.1111/\(TCSN\)1748-8583](http://onlinelibrary.wiley.com/journal/10.1111/(TCSN)1748-8583)

### Веб-сайтлар

Chartered Institute for Personnel и Development website: [www.cipd.co.uk](http://www.cipd.co.uk)

*Pearson ҳар қандай ташқи интернет-сайтларнинг мазмуни учун жавобгарликни зиммасига олмайди. Ўқитувчилар ҳар бир веб-сайтни синфда ишлатишдан олдин унинг URL-манзили ҳали ҳам аниқ, актуал ва ўринли эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун, уни олдиндан кўриб чиқишлари жуда муҳимдир. Биз ўқитувчиларга фойдали веб-сайтларни белгилашни ва ўқувчиларга уларга мактаб/коллеж интернетини орқали киришни таклиф қилишни тавсия қиламиз.*



## Иш схемаси

<b>Модул</b>	2-модул: Инсон ресурслари стратегияси ва бошқаруви
<b>Ўқув соатлари</b>	60
<b>Дарслар сони</b>	20
<b>Дарсларнинг давомийлиги</b>	3 часа
<b>Бошқа модулларга ҳаволалар</b>	Барча модуллар

<b>Ўқитиш учун калитлар</b>			
<b>ЁМТ</b>	Ёзма Мустақил топшириқ	<b>ММ</b>	Материални мустаҳкамлаш
<b>ТС</b>	Таклиф этилган спикер	<b>Т</b>	Ташриф
<b>МЎ</b>	Мустақил ўқитиш	<b>ИТ</b>	Иш тажрибаси

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
1	Модулга кириш	Ўқитувчи раҳбарлиги остидаги ҳамда мустақил машқлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> Модул ичидаги маълумотларга ва модул Мустақил топшириқига кириш.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:</b> ходимларни стратегик бошқариш ва унинг мақсади режасини тақдим этиш.</li> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар стратегик HRMга тегишли мақола ёки тадқиқот маърузасини аниқлайдилар ва мақола/маърузанинг қисқача баёнини тақдим этадилар.</li> <li>• <b>Синфда муҳокама қилиш:</b> сўнг, аввалги ўқувчиларнинг видеоклиплари ҳавола этилади, бу ерда уларнинг таълим тажрибалари ҳақида сўз боради, шунингдек, янги ўқувчилар учун маслаҳатлар берилади.</li> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар ўзларининг фикрларини ёзадилар ва таянч атамалар изоҳли луғатини тузадилар.</li> <li>• <b>Якуний сессия:</b> дарсда аниқланган ўқувнинг асосий бандларини тасдиқлаш.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси. Мустақил топшириқ. Доска ва ручкалар. <b>ТС1</b> ва <b>ТС2:</b> тақдимот слайдлари ва ўқитувчи қайдномалари. <b>ФС1:</b> дарсдан олинган ўқувнинг асосий жиҳатлари натижаларини ёзиш учун шаблон. Ўқув видеоклиплари. Интернетга кириш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
2	Стратегик HRM нима?	Ўқитувчи раҳбарлиги остидаги ҳамда мустақил машқлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> аввалги дарс шарҳи.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:</b> ташкилий стратегия тушунчасига таъриф бериш. <ul style="list-style-type: none"> <li>○ Стратегик HRM нима ва унинг афзалликлари қандай?</li> <li>○ Ташкилий ва HR- стратегия ўртасидаги алоқа.</li> </ul> </li> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ташкилий стратегияга тегишли, чоп этилган тадқиқот ишларини аниқлаш ва синф учун асосий жиҳатларни тақдим этиш.</li> <li>• <b>Синфдаги муҳокама:</b> турли хил чоп этилган ишлар.</li> <li>• <b>Тадқиқот машқлари:</b> HR соҳасининг замонавий ривожланишига таалуқли мақола ёки тадқиқот ишини аниқлаш.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:</b> ташкилий стратегиялар билан боғлиқ асосий тушунчаларни тақдим этиш. <ul style="list-style-type: none"> <li>○ Ташкилий ва кадр стратегияларининг турли жиҳатларини муҳокама қилиш.</li> </ul> </li> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар ўзларининг фикрларини ёзадилар.</li> <li>• <b>Якуний сессия:</b> дарсда аниқланган ўқувнинг асосий бандларини тасдиқлаш.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p><b>ТС3, ТС4 ва ТС5:</b> тақдимот слайдлари ва ўқитувчи қайдномалари.</p> <p>Интернетга кириш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
3	Стратегик HRM	Ўқитувчи раҳбарлиги остидаги ҳамда мустақил машқлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> аввалги дарс шарҳи.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>○ кадр стратегиясига таъсир кўрсатувчи ташқи омиллар;</li> <li>○ кадр стратегиясига таъсир кўрсатувчи ички омиллар.</li> </ul> </li> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар HR-стратегияларга таъсир кўрсатувчи бир нечта ташқи омилларни аниқлайдилар ва уларни батафсил муҳокама қиладилар.</li> <li>• <b>Гуруҳларда машқлар:</b> Турли хил омилларнинг турли бизнес-сценарийларга таъсир даражасини намойиш этувчи мисолларни тақдим этиш учун тадқиқот ўтказиш.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> бизнеснинг турли масалалари бўйича HR-стратегиялари контекстидаги асосий омилларни ўрганиш учун кейс-стадидан фойдаланиш.</li> <li>• <b>Синфдаги муҳокама:</b> HR-стратегияларга таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омиллар.</li> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар ўзларининг фикрларини ёзадилар.</li> <li>• <b>Якуний сессия:</b> дарсда аниқланган ўқувнинг асосий бандларини тасдиқлаш.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p><b>ТС6</b> ва <b>ТС7:</b> тақдимот слайдлари ва ўқитувчи қайдномалари.</p> <p>HR-стратегияларининг кейс-стадиси.</p> <p>Интернетга кириш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
4	Барқарорлик	Ўқитувчи раҳбарлиги остидаги ҳамда мустақил машқлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> аввалги дарс шарҳи.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:</b> барқарор ўсиш – HR ҳиссаси. <ul style="list-style-type: none"> <li>○ Барқарор ўсишни бошқариш.</li> </ul> </li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> ҳам назарий далиллар, ҳам реал вақтдаги бизнес-сценарийлари мисолларидан фойдаланган ҳолда барқарор ўсишнинг аҳамиятини намойиш этиш.</li> <li>• <b>Синфдаги муҳокама:</b> барқарор ўсиш – HR ҳиссасига янги ёндашувларни белгилаш.</li> <li>• <b>Гуруҳларда машқлар:</b> ўқувчилар барқарор ўсишни бошқариш бўйича мини кейс-стадидан фойдаланиб, ўқувнинг асосий жиҳатларини таҳлил қиладилар, ўз хулосаларини тақдим этадилар ва таққослайдилар.</li> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар ўзларининг фикрларини ёзадилар.</li> <li>• <b>Якуний сессия:</b> дарсда аниқланган ўқувнинг асосий бандларини тасдиқлаш.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p><b>ТС8</b> ва <b>ТС9:</b> тақдимот слайдлари ва ўқитувчи қайдномалари.</p> <p>Барқарор ўсишни бошқариш бўйича кейс-стади.</p> <p>Интернетга кириш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
5	Барқарор HRM соҳасида етакчилик	Ўқитувчи раҳбарлиги остидаги ҳамда мустақил машқлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> аввалги дарс шарҳи.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>○ бизнес учун яхши раҳбариятнинг афзаллиги;</li> <li>○ масъулиятли раҳбарларни қандай ривожлантириш тўғрисида.</li> </ul> </li> <li>• <b>Синфда муҳокама қилиш:</b> барқарор HRMни жорий этиш ва сақлаш учун зарур етакчилик кўникмалари билан боғлиқ асосий омиллар. <ul style="list-style-type: none"> <li>○ Ташкилотда инсон ресурсларини барқарор бошқариш учун зарур асосий етакчилик сифатлари ва хусусиятларини аниқланг.</li> </ul> </li> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар ўзларининг фикрларини ёзадилар.</li> <li>• <b>Якуний сессия:</b> дарсда аниқланган ўқувнинг асосий бандларини тасдиқлаш.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p><b>ТС10</b> ва <b>ТС11:</b> тақдимот слайдлари ва ўқитувчи қайдномалари.</p> <p>Интернетга кириш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>



№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
6	Замонавий тенденциялар ва ўзгаришлар (1-қисм)	Ўқитувчи раҳбарлиги остидаги ҳамда мустақил машқлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> аввалги дарс шарҳи.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:</b> HRMга таъсир кўрсатувчи замонавий муаммолар, масалан, демографияни, тенг имкониятлар ва турфа хилликларни, кўникмаларга талабларни ўзгартириш, суд жараёнлари даражасини ошириш.</li> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар HRM соҳасидаги замонавий муаммоларни тушуниш учун турли веб-нашрлар ва мавзули ҳаволаларни ўрганадилар.</li> <li>• <b>Тадқиқот машқлари:</b> мисолларни ўрганиш ва асосий хулосаларни тақдим этиш.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> ақлий ҳужум – замонавий HRM муаммоларини ҳал этишга ёндашувлар, HRMнинг замонавий муаммоларини бошқариш мумкин бўлган ёндашувларни ўрганиш.</li> <li>• <b>Синфдаги муҳокама:</b> ходимларни бошқариш соҳасида замонавий муаммоларни ҳал этиш учун ахборот-коммуникация технологияларидан (ICT) самарали фойдаланиш.</li> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар ўзларининг фикрларини ёзадилар.</li> <li>• <b>Яқуний сессия:</b> дарсда аниқланган ўқувнинг асосий бандларини тасдиқлаш.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p><b>ТС12</b> ва <b>ТС13:</b> тақдимот слайдлари ва ўқитувчи қайдномалари.</p> <p>Интернетга кириш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
7	Замонавий тенденциялар ва ўзгаришлар (2-қисм)	Ўқитувчи раҳбарлиги остидаги ҳамда мустақил машқлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> аввалги дарс шарҳи.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:</b> HRдаги замонавий муаммолар билан боғлиқ ўзгаришлар.</li> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> аввалги сессияда кўриб чиқилган замонавий тенденция ва ўзгаришлар натижасида юзага келган HR-амалиётидаги ўзгаришларни аниқлайдилар.</li> <li>• <b>Гуруҳларда тадқиқот машқи:</b> ҳар бир гуруҳ диққатини ўзларининг HR-амалиётларида жамлайдилар (масалан, номзодларни тўплаш ва танлаб олиш, самарадорликни бошқариш ва ходимларни ривожлантириш). <ul style="list-style-type: none"> <li>○ Ҳар бир гуруҳдан қайта алоқанинг тақдимоти.</li> </ul> </li> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар ўзларининг фикрларини ёзадилар.</li> <li>• <b>Якуний сессия:</b> дарсда аниқланган ўқувнинг асосий бандларини тасдиқлаш.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p><b>ТС14</b> ва <b>ТС15:</b> тақдимот слайдлари ва ўқитувчи қайдномалари.</p> <p>Интернетга кириш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
8	Илғор технологияларнинг HR-амалиётга таъсири	Ўқитувчи раҳбарлиги остидаги ҳамда мустақил машқлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> аввалги дарс шарҳи.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:</b> HRM самарадорлигини ICT дан фойдаланиш ҳисобига ошириш.</li> <li>• <b>Тадқиқот машқлари:</b> HRM самарадорлигини оширишга ICTнинг таъсирини турли кейс-стадиларга ҳаволалар билан ўрганиш.</li> <li>• <b>Синфдаги муҳокама:</b> HRM-амалиётга ёрдам бериши мумкин бўлган турли ICT платформалари ва тузилмалари.</li> <li>• <b>Гуруҳларда машқлар:</b> ўқувчилар турли ташкилотлар мисолида танланган ташкилотда ICTнинг HRM-амалиётига қандай ёрдам бериши ҳақида сўзлаб берадилар.</li> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар ўзларининг фикрларини ёзадилар.</li> <li>• <b>Якуний сессия:</b> дарсда аниқланган ўқувнинг асосий бандларини тасдиқлаш.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p><b>ТС16:</b> тақдимот слайдлари ва ўқитувчи қайдномалари.</p> <p>Интернетга кириш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
9	Барқарор ва корпоратив ижтимоий масъулият	Ўқитувчи раҳбарлиги остидаги ҳамда мустақил машқлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> аввалги дарс шарҳи.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:</b> HRMнинг ташкилотни корпоратив ижтимоий масъулиятидаги (CSR) роли.</li> <li>• <b>Ўқувчилар тақдимоти:</b> HRMнинг ташкилотда CSR фаолиятининг турли йўналишларига қандай ёрдам бериши ҳақида тақдимот тақдим этиш.</li> <li>• <b>Синфдаги муҳокама:</b> бутун ташкилот бўйича CSR ҳақида ўқувни тақдим этиш ва хабарлар тарқатишдаги HRMнинг ваколатлари.</li> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар ўзларининг фикрларини ёзадилар.</li> <li>• <b>Яқуний сессия:</b> дарсда аниқланган ўқувнинг асосий бандларини тасдиқлаш.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p><b>ТС17</b> ва <b>ТС18:</b> тақдимот слайдлари ва ўқитувчи қайдномалари.</p> <p>Интернетга кириш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>
10	Семинар Мустақил топшириқи.	Ўқитувчи раҳбарлиги остида	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> ўқувчиларнинг Мустақил топшириқнинг тадқиқот элементи бўйича ўзлаштириши шарҳи.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> Мустақил топшириқга талаблар.</li> <li>• <b>Ўқитувчи раҳбарлиги остида саволлар – жавоблар сессияси:</b> гуруҳли ва якка тартибдаги умумий масалалар ва муаммоларни ҳал этиш.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> академик талаблар ва тақдим этиш форматининг шарҳи.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Мустақил топшириқ.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p><b>ТС19</b> ва <b>ТС20:</b> тақдимот слайдлари ва ўқитувчи қайдномалари.</p> <p>Интернетга кириш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
11	Стратегик ривожланишнинг ўсиши	Ўқитувчи раҳбарлиги остидаги ҳамда мустақил машқлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> аввалги дарс шарҳи.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:</b> универсал ва кутилмаган ёндашувлар. <ul style="list-style-type: none"> <li>○ Стратегияси – концепцияни ривожлантириш.</li> <li>○ Стратегия – жараёни ишлаб чиқиш.</li> </ul> </li> <li>• <b>Гуруҳларда машқлар:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>○ стратегик ривожлантириш концепциясини қўллашни ва унинг таъсирини батафсил тушуниш учун кейс-стадини ўрганиш;</li> <li>○ ёндашувлар ва стратегия ишлаб чиқиш жараёни ҳақида тақдимот ўтказиш.</li> </ul> </li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> тақдимот асосида.</li> <li>• <b>Синфдаги муҳокама:</b> (ташкilotнинг) стратегияни ривожлантиришга кўрсатаётган таъсири ва стратегияни ишлаб чиқиш жараёнлари омиллари орасидаги ўзаро алоқани кўриб чиқиш.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> ақлий ҳужум – стратегияни ишлаб чиқиш жараёнининг асосий жиҳатлари.</li> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар ўзларининг фикрларини ёзадилар.</li> <li>• <b>Якуний сессия:</b> дарсда аниқланган ўқувнинг асосий бандларини тасдиқлаш.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p><b>ТС21</b> ва <b>ТС22:</b> тақдимот слайдлари ва ўқитувчи қайдномалари.</p> <p>Стратегияни ривожлантириш концепцияси ва унинг таъсири ҳақида кейс-стади.</p> <p>Интернетга кириш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
12	HR-амалиётда назариянинг долзарблиги (1-қисм)	Ўқитувчи раҳбарлиги остидаги ҳамда мустақил машқлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> аввалги дарс шарҳи.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:</b> натижалар тизимини самарали бошқариш ва баҳолаш. <ul style="list-style-type: none"> <li>○ Самарадорликни адолатли ва аниқ баҳолаш тизими учун асос.</li> <li>○ Баҳолаш тизими томонидан қамраб олинadиган самарадорликнинг таҳлили ва параметрларига ёндашувлар.</li> </ul> </li> <li>• <b>Синфдаги муҳокама:</b> ўқувчилар HRM тизимининг самарадорлигини баҳолаш тизими нуқтаи назаридан назарий концепциялар ва турли хил бизнес-сценарийлари намуналарига таянган ҳолда муҳокама қиладилар ва фикр юритадилар.</li> <li>• <b>Синфдаги муҳокама:</b> баҳолашда инобатга олиниши лозим бўлган танқидий омиллар.</li> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар ўзларининг фикрларини ёзадилар.</li> <li>• <b>Якуний сессия:</b> дарсда аниқланган ўқувнинг асосий бандларини тасдиқлаш.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p><b>ТС23, ТС24 ва ТС25:</b> тақдимот слайдлари ва ўқитувчи қайдномалари.</p> <p>Интернетга кириш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
13	HR-амалиётда назариянинг долзарблиги (2-қисм)	Ўқитувчи раҳбарлиги остидаги ҳамда мустақил машқлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> аввалги дарс шарҳи.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:</b> HRM томонидан жорий этилган ходимларни мукофотлаш тизими самарадорлиги. <ul style="list-style-type: none"> <li>○ Энг яхши ходимларни ушлаб қолиш мақсадида ходимларга тақдим этилиши мумкин бўлган моддий ва номоддий имтиёзлар.</li> </ul> </li> <li>• <b>Тақдимот машқлар:</b> ўқувчилар HRM томонидан қўлланиладиган ходимларни мукофотлаш тизими ҳақидаги тақдимоти билан чиқадилар.</li> <li>• <b>Синфдаги муҳокама:</b> ходимларни ушлаб қолиш ва мотивация қилишга турли ёндашувлар.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> ақлий ҳужум ўтказиш ва ходимларнинг ташкилотни тарқ этишга уринтираётган асосий сабабларни аниқлаш. Ходимларни ушлаб қолишни таъминлаш учун ходимларни мукофотлашнинг янада самарали тизимини ва ходимларни бошқариш усулларини яратиш имкониятларини муҳокама қилиш. <ul style="list-style-type: none"> <li>○ Ташкилот ходимларини унга узоқ вақт мобайнида содиқ қолишларини қандай рағбатлантиришни муҳокама қилиш.</li> </ul> </li> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар ўзларининг фикрларини ёзадилар.</li> <li>• <b>Яқуний сессия:</b> дарсда аниқланган ўқувнинг асосий бандларини тасдиқлаш.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p><b>СП26</b> и <b>СП27:</b> тақдимот слайдлари ва ўқитувчи қайдномалари.</p> <p>Интернетга кириш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
14	Ўзгаришларни бошқариш (1-қисм)	Ўқитувчи раҳбарлиги остидаги ҳамда мустақил машқлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> аввалги дарс шарҳи.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:</b> ўзгаришларни бошқариш. <ul style="list-style-type: none"> <li>○ Ўзгаришларни бошқариш моделлари ва концепциялари.</li> <li>○ Ўзгаришларни бошқариш- HR-стратегиясини қўллаб-қувватлаш.</li> </ul> </li> <li>• <b>Синфдаги муҳокама:</b> ўзгаришларни бошқариш концепциясининг асосий жиҳатлари, ижобий ва салбий томонларини аниқлаш.</li> <li>• <b>Кейс-стади:</b> ўзгаришларни бошқаришга турли ёндашувларни қўллашни кўриб чиқиш. HRнинг ўзгаришлар агентига трансформацияси ҳақида мақола ўқиш ва HR ўйнаётган кўп сонли ролларни муҳокама қилиш.</li> <li>• <b>Синфдаги муҳокама:</b> HRM ролини ўзгаришлар агенти сифатида ўрганиш учун машқ. Ўқувчиларга HR ролини муҳокама қилиш ва баҳолаш учун сценарийлар берилади.</li> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар ўзларининг фикрларини ёзадилар.</li> <li>• <b>Якуний сессия:</b> дарсда аниқланган ўқувнинг асосий бандларини тасдиқлаш.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p><b>ТС28, ТС29</b> ва <b>ТС30:</b> тақдимот слайдлари ва ўқитувчи қайдномалари.</p> <p>Ўзгаришларни бошқаришга ёндашувлар кейс-стадиси.</p> <p>Ўзгаришларни ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланувчи HRM сценарийлари.</p> <p>Интернетга кириш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>



№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
15	Ўзгаришларни бошқариш (2-қисм)	Ўқитувчи раҳбарлиги остидаги ҳамда мустақил машқлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> аввалги дарс шарҳи.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>○ психологик шартнома;</li> <li>○ олға суриш назарияси;</li> <li>○ қаршилиқни қандай бошқариш.</li> </ul> </li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>○ психологик шартноманинг турли мисоллари ақлий ҳужуми. Афзалликлари ва камчиликларини муҳокама қилинг;</li> <li>○ ўзгаришларни бошқаришнинг психологик шартнома ва одамларнинг ахлоқига таъсирини ўрганиш.</li> </ul> </li> <li>• <b>Тадқиқот кейс-стадиси:</b> ҳар бир гуруҳ ўзгаришларни бошқариш учун қандай ёндашувдан фойдаланишини тақдим этади.</li> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ИМС учун ҳомийлик ва долзарблик доирасида ижодкорлик потенциалини қўллашга машқ.</li> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар ўзларининг фикрларини ёзадилар.</li> <li>• <b>Якуний сессия:</b> дарсда аниқланган ўқувнинг асосий бандларини тасдиқлаш.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p><b>ТС31, ТС32 ва ТС33:</b> тақдимот слайдлари ва ўқитувчи қайдномалари.</p> <p>Ўзгаришларни ҳаракатлантирувчи кейс-стади.</p> <p>Интернетга кириш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
16	Мустақил топшириқ семинар	Ўқитувчи раҳбарлиги остида ва тақдимот слайдлари	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> ўқувчиларнинг ўзлаштириши ва вазифаларни текшириш шарҳи.</li> <li>• <b>Лойиҳаларни тақдим этиш ҳақида шарҳ ва фикрлар:</b> қўлланилиши зарур бўлган хатти-ҳаракатларни муҳокама қилиш.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p><b>ТС34</b> ва <b>ТС35:</b> тақдимот слайдлари ва ўқитувчи қайдномалари.</p> <p>Интернетга кириш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
17	HRM ҳиссасини баҳолаш	Ўқитувчи раҳбарлиги остидаги ҳамда мустақил машқлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> аввалги дарс шарҳи.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:</b> қиёсий таҳлил, имкониятлар ва унумдорликни бошқариш учун моделларни қўллаш.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> ақлий ҳужум – қиёсий таҳлилнинг қиймати ва унинг мақсади.</li> <li>• <b>Синфдаги муҳокама:</b> қиёслама таҳлил учун турли хил самарадорлик кўрсаткичлари қўлланилади ҳамда ички ва ташқи омилларга тегишли аниқ мисоллардан фойдаланилади.</li> <li>• <b>Ўқувчилар тадқиқоти ва қайта алоқа:</b> 10-С назорат рўйхатидан ва энг яхши HR-амалиётларидан фойдаланиш.</li> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар ўзларининг фикрларини ёзадилар.</li> <li>• <b>Яқуний сессия:</b> дарсда аниқланган ўқувнинг асосий бандларини тасдиқлаш.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p><b>ТС36</b> ва <b>ТС37:</b> тақдимот слайдлари ва ўқитувчи қайдномалари.</p> <p>Интернетга кириш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
18	Семинар Мустақил топшириқи	Ўқитувчи раҳбарлиги остида ва тақдимот слайдлари	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> ўқувчиларнинг Мустақил топшириқ бўйича шарҳи.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> Мустақил топшириқга қўйилган талаблар.</li> <li>• <b>Ўқитувчи раҳбарлиги остида саволлар – жавоблар сессияси:</b> гуруҳ ёки якка тартибдаги форматда умумий ва махсус хусусятга эга (муаммони ёритувчи) саволларга жавоб бериш.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> академик талаблар ва тақдим этиш форматининг шарҳи.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p><b>ТС38</b> ва <b>ТС39:</b> тақдимот слайдлари ва ўқитувчи қайдномалари.</p> <p>Интернетга кириш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>
19	Ўқувчиларнинг фикрига асосланган А дан D гача ўқитиш мақсадларининг шарҳи	Ўқитувчи раҳбарлиги остида	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> лойиҳанинг қоралама версиясида кўрсатилганидек, қўшимча ёритувни талаб этадиган мавзуларни умумлаштириш ва хотирада янгилаш.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> ўқувчилар қандай мавзулар такрорланишини/ кейинги тушунтиришларни талаб этишини ажратадилар.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p><b>MP1:</b> ўқитувчи томонидан ишлаб чиқилган сўровнинг асосий мавзулари.</p> <p>Интернетга кириш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
20	А дан D гача ўқитиш мақсадлари	Ўқитувчи раҳбарлиги остида	<ul style="list-style-type: none"> <li>Семинар Мустақил топшириқи ва ҳисоботларнинг якуний тақдироти.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p>Интернетга кириш имконияти мавжуд компьютерлар.</p> <p><b>ФШ2:</b> ўқувчи учун қайта алоқа шаблони.</p>



## Дарс режаси

<b>Малака</b>	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 5-даража Инсон ресурсларини бошқариш соҳаси бўйича Профессional Диплом
<b>Модул</b>	2-модул: Инсон ресурслари стратегияси ва бошқаруви
<b>Дарс рақами</b>	1 (180 дақиқа)

<b>Дарс мақсадлари</b>	<p>Ўқувчилар қуйидагига қодир бўлишлари лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Ходимларни стратегик бошқаришнинг мақсади ва аҳамиятини тушуниш.</li> </ul>
------------------------	---

<b>Ресурслар рўйхати</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Модул спецификацияси.</li> <li>• Мустақил топшириқ.</li> <li>• Доска ва ручкалар.</li> <li>• <b>ТС1</b> ва <b>ТС2</b>: тақдимот слайдлари ва ўқитувчи қайдномалари.</li> <li>• <b>ФШ1</b>: дарсдан олинган асосий ўқув жиҳатларининг натижаларини ёзиш учун шаблон.</li> <li>• Ўқув видеоклиплари.</li> <li>• Интернетга кириш имконияти мавжуд компьютерлар.</li> </ul>
--------------------------	---

Калитлар: **МР**: машқлар рўйхати; **ФШ**: Форма шаблони **ТС**: тақдимот слайди

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (15 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Ўқитувчи тақдимоти (ТС1):</b> Модул ичидаги маълумотларга кириш ва модул Мустақил топшириқи.</li> </ul>
Асосий машқлар (150 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Ўқитувчи тақдимоти (ТС2):</b> инсон ресурсларини стратегик бошқаришнинг (HRM) умумий тасаввурини ва унинг мақсадларини бериш.</li> <li>• <b>Мустақил тадқиқот машқи:</b> ўқувчилар стратегик HRMга тегишли мақола ёки тадқиқот ҳужжатини аниқлайдилар ва мақола/маърузанинг қисқача таърифини тақдим этадилар.</li> <li>• <b>Гуруҳларда машқлар:</b> ташкилий стратегиялар билан боғлиқ асосий ғояларни тақдим этиш.</li> <li>• <b>Гуруҳлардаги муҳокама:</b> синф билан муҳокама ўтказиш, ундан сўнг собиқ ўқувчиларнинг, ўз тажрибалари ҳақида сўзловчи, шунингдек, янги ўқувчилар учун маслаҳатларни ўз ичига олган видеоклиплари.</li> </ul>
Якуний машқ (15 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Якуний сессия:</b> ўқитувчи дарсда аниқланган асосий ўқув жиҳатларини мустаҳкамлайди.</li> <li>• <b>Ўқитувчи тақдимоти (ФШ1):</b> ўқувчиларга уларнинг ўз муҳокамалари натижаларини ва ўқувнинг асосий жиҳатларини қандай ёзишлари лозимлиги ҳақида шаблон тақдим этиш. У дарсда аниқланган таянч атамаларнинг доимий изоҳли луғатини ўз ичига олиши лозим.</li> </ul>
Мустақил, синфдан ташқари иш	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар ўзларининг фикрларини ёзадилар ва таянч атамалар изоҳли луғатини тузадилар.</li> </ul>



## Дарс режаси

<b>Малака</b>	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 5-даража Инсон ресурсларини бошқариш соҳаси бўйича Профессинал Диплом
<b>Модул</b>	2-модул: Инсон ресурслари стратегияси ва бошқаруви
<b>Дарс рақами</b>	2 (180 дақиқа)

<b>Дарс мақсадлари</b>	<p>Ўқувчилар қуйидагига қодир бўлишлари лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• ходимларни стратегик бошқариш мақсади ва аҳамиятини тушуниш.</li> </ul>
------------------------	---

<b>Ресурслар рўйхати</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Модул спецификацияси.</li> <li>• Доска ва ручкалар.</li> <li>• <b>ТС3, ТС4</b> ва <b>ТС5</b>: тақдимот слайдлари ва ўқитувчи қайдномалари.</li> <li>• Интернетга кириш имконияти мавжуд компьютерлар.</li> </ul>
Калитлар: <b>МР</b> : машқлар рўйхати; <b>ФС</b> : Форма шаблони <b>ТС</b> : тақдимот слайди	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (15 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Ўқитувчи тақдимоти (ТС3):</b> ташкилий стратегия мақсади ва унинг асосий элементларини аниқлаш.</li> </ul>
Асосий машқлар (150 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Гуруҳлардаги муҳокама:</b> инсон ресурсларини стратегик бошқариш (HRM) нима?</li> <li>• <b>Ўқитувчи тақдимоти (ТС4):</b> ташкилий стратегияга тааллуқли чоп этилган тадқиқот ишларини аниқлаш ва синф учун асосий жиҳатларни тақдим этиш.</li> <li>• <b>Гуруҳлардаги муҳокама:</b> турли чоп этилган мақолаларни муҳокама қилиш.</li> <li>• <b>Мустақил тадқиқот машқи:</b> HR соҳасидаги замонавий ўзгаришларга тааллуқли мақола ёки тадқиқот ишини аниқлаш.</li> <li>• <b>Ўқитувчи тақдимоти (ТС5):</b> ташкилий стратегиялар билан боғлиқ асосий тушунчаларни тақдим этиш.</li> <li>• <b>Гуруҳлардаги муҳокама:</b> ташкилий ва кадр стратегияларининг турли жиҳатларини муҳокама қилиш.</li> </ul>
Якуний машқ (15 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Якуний сессия:</b> ўқитувчи дарсда аниқланган асосий ўқув жиҳатларини мустаҳкамлайди.</li> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> кадр стратегиясига таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омиллар мавзуси бўйича HR мутахассисига берилиши лозим бўлган саволларни кўриб чиқиш.</li> </ul>
Мустақил, синфдан ташқари иш	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар ўзларининг фикрларини ёзадилар ва таянч атамалар изоҳли луғатини тузадилар.</li> </ul>

## Дарс режаси

<b>Малака</b>	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 5-даража Инсон ресурсларини бошқариш соҳаси бўйича Профессional Диплом
<b>Модул</b>	2-модул: Инсон ресурслари стратегияси ва бошқаруви
<b>Дарс рақами</b>	3 (180 дақиқа)

<b>Дарс мақсадлари</b>	<p>Ўқувчилар қуйидагига қодир бўлишлари лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Кадр стратегиясига таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омилларни тушуниш.</li> </ul>
------------------------	--

<b>Ресурслар рўйхати</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Модул спецификацияси.</li> <li>• Доска ва ручкалар.</li> <li>• <b>ТС6</b> ва <b>ТС7</b>: тақдимот слайдлари ва ўқитувчи қайдномалари.</li> <li>• HR-стратегияларининг кейс-стадиси.</li> <li>• Интернетга кириш имконияти мавжуд компьютерлар.</li> </ul>
Калитлар: <b>МР</b> : машқлар рўйхати; <b>ФС</b> : Форма шаблони <b>ТС</b> : тақдимот слайди	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (15 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Ўқитувчи тақдимоти (СПБ):</b> ички ва ташқи омилларнинг кадр стратегиясига қандай таъсир кўрсатаётганлигининг шарҳи.</li> </ul>
